

28.01.07
С-07

СУРХОНДАРЁНИНГ ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**СУРХОНДАРЁНИНГ
ҲАЙВОНОТ
ДУНЁСИ**

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2008

ARM
№

28.6(5Ў)
С97

*Термиз давлат университети Илмий Кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган*

Масъул муҳаррир

академик Ж.А. Азимов

Профессор Ш.Х. Хуррамов умумий таҳрири остида

Тақризчилар

Биология фаилари доктори, профессор О. М. Мавлонов

Биология фаилари номзоди, доцент П. Ҳайдарова

Мазкур китобда Сурхондарё вилоятининг табиий географик характеристикаси, худудларида тарқалган барча умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонларнинг ўзбекча-русча-лотинча номлари, тарқалиши, яшаш жойи ва учраш даражаси ҳақида фикр юритилган.

Китоб умумтаълим мактабларининг ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, биология фани ўқитувчилари, университетларнинг биология факультетлари студентлари ва ўқитувчилари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва кўриқхоналар ходимлари ҳамда барча табиат шайдоларига мўлжалланган.

Сурхондарёнинг ҳайвонот дунёси/ Ш.Х. Хуррамовнинг умумий таҳрири остида; масъул муҳаррир Ж.А.Азимов; ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Термиз Давлат ун-ти. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. —200 б.

ББК 28.6(5Ў)

ISBN 978-9943-06-194-1

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2008 йил.

Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.

Ислом Каримов

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиёти принципилари асосида ривожланиш йўлига ўтди. Ана шундай шароитда ватанимиз табиатини муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масаласига принципиал янгича ёндашиш талаб этилмоқда. Чунки она табиатни муҳофаза қилиш, ундаги мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида устувор масалалардан бири ҳисобланади.

Ватанимизда табиатни муҳофаза қилиш ва ундан меъёрида фойдаланишга қаратилган қатор қонун ва қарорлар яратилди. Булар Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа шу каби норматив ҳужжатлардир. Бу ҳуқуқий ҳужжатларни ҳурмат қилиш ва амалда уни ҳаётга жорий этиш табиатни муҳофаза қилишда, ҳар қандай экологик муаммоларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида: «Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш — ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир» — деб ёзган эдилар. Юртбошимиз таъкидлаганидек, биз барчамиз она ватанимиз табиатини, ўсимлик ва ҳайвонот оламини кўз қорачиғидек асрашимиз зарур.

Табиатнинг бир бўлаги сифатида ватанимиз ҳайвонот дунёсини ҳар томонлама ўрганиш, сони ва турлари камайиб кетаётган ҳайвонларни муҳофаза қилиш ҳамда кўпайтиришга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Сурхондарё вилояти ҳайвонот олами фаунасини, уларнинг тарқалиши, мавжуд сони ва экологик ҳолатини ўрганиш жуда катта илмий ва амалий аҳамият касб этади. Шундай экан, вилоят ҳайвонот оламини комплекс ўрганишга ва айниқса, улар орасида йўқолиб кетиш арафасида турган ҳайвон турларини муҳофаза қилиш кўпайтириш, уларнинг биотопларда тарқалишига бағишланган мазкур асарнинг нашрга тайёрланиши барча воҳадоларимиз учун қувончли воқеадир. Шунини таъкидлаш жоизки, Сурхондарё воҳасининг ҳайвонот олами илк бор ҳар томонлама ўрганилиб ва тадқиқ этилиб китоб ҳолида жамоатчиликка тақдим этилмоқда.

Термиз Давлат университети зоолог олимлари ва мутахассислари томонидан тайёрланган «Сурхондарёнинг ҳайвонот дунёси» номли ушбу асар ҳозирги ва келажак авлодларимизга, қолаверса, бутун вилоят ҳалқига хизмат қилишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бу фундаментал тадқиқотни тайёрлашда иштирок этган олим ва мутахассисларга ўз миннатдорлигимизни билдираимиз.

*Ж.А. Азимов,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академияси
зоология институти директори, академик*

*Ушбу монографияни ҳамкасбларимиз Холбой
Тоғжиев ва Эркин Қулмаматовлар хотирасига
бағишлаймиз.*

КИРИШ

Ватанимиз ҳайвонот дунёси жуда бой ва хилма-хил бўлиб, уни ҳар томонлама ўрганиш табиат бойликларидан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ва қарорларида қайд этилган. Айниқса, давлатимиз конституциясида ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи эканлиги махсус қонунлаштириб қўйилганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Ҳайвонот дунёси табиатнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади ва уни поёнсиз, сира битмас-туғамас деб ҳисоблаш, унга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш салбий оқибатларга олиб келади.

Жаҳон «Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи» (ТМХИ-IUCN) ташкилоти маълумотларига кўра, кейинги тўрт юз йил давомида сут эмизувчи ҳайвонларнинг 74 тури, судралиб юрувчиларнинг 21 тури, қушларнинг 129 тури, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг (амфибиялар) 7 тури, балиқларнинг 81 тури, моллюскаларнинг 291 тури, қисқичбақасимонларнинг 8 тури, ҳашаротларнинг 72 тури, онихордаларнинг 3 тури ва турбелларияларнинг 1 тури ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда энг аянчлиси 4465 ҳайвон турлари ер юзидан мутлақо йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон фаунасидан сут эмизувчиларнинг 24 тури, қушларнинг 51 тури, судралиб юрувчиларнинг 16 тури, балиқларнинг 18 тури, ҳалқасимон чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 15 тури ва бўғимоёқлиларнинг 62 тури Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Мазкур китобнинг 1983 йилдаги нашрига умуртқали ҳайвонларнинг 63 тури киритилган бўлса, 2006 йилдаги нашрига эса, 109 ҳайвон тури киритилган. Бу дегани 13 йил (қисқа вақт) да Республикаимиз фаунасида яна 46 та ҳайвон тури ҳаёти хавф остида қолаётир. Бу — ватанимиз ҳайвонот дунёсига инсонларнинг тўғри муносабатда бўлмаётганлиги ва талаб даражасида эътибор қаратилмаётганлигининг натижасидир. Шунинг учун барча табиий бойликлар қаторида ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш энг муҳим вазифалардан бири бўлмоғи зарур.

Сурхондарёнинг ҳайвонот дунёсини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари ўтган асрнинг 30—40 йилларидан бошланган. Энг аввало, воҳада яшовчи умуртқали ҳайвонлар фаунаси, уларнинг экологияси, биологияси, репродукцияси, зоогеографияси ва ҳўжалик аҳамияти каби масалалари тадқиқ қилинди. Кейинчалик, вилоятнинг умуртқасиз ҳайвонлари-ҳашаротлар фаунаси, моллюскалар, ўсимлик, ҳайвон ва одам гельминтлари таркиби ҳамда уларнинг келтириб чиқарадиган касалликларига қарши кураш чора-тадбирлари ўрганилди. Натижада, бутунги кунга келиб Сурхондарёнинг ҳайвонот дунёсига оид фундаментал монографиялар, рисоалар, диссертациялар ва кўплаб илмий мақолалар нашр қилинди.

Сурхондарё вилоятининг ҳайвонот дунёси Ўзбекистон фаунасининг бир қисми бўлиб, унда 1159 тур умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонлар турли хил муҳит шароитларида ҳаёт кечиради. Шулардан 70 тури Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган ҳайвонлардир.

Вилоят ҳудудида, айна вақтда сут эмизувчиларнинг 39 тури, қушларнинг 229 тури, судралиб юрувчиларнинг 39 тури, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг 3 тури, балиқларнинг 24 тури, ҳашаротларнинг 201 тури, кўп оёқлиларнинг 1 тури, ўргимчаксимонларнинг 17 тури, қисқичбақасимонларнинг 8 тури, моллюскаларнинг 40 тури, ҳалқали чувалчангларнинг 4 тури, ўсимлик гельминтларининг 391 тури, одам ва ҳайвон гельминтларининг 84 тури, кўп ҳужайралиларнинг 60 тури ва содда ҳайвонларнинг 20 тури турли хил экологик ва географик шароитларда ҳаёт кечиради. Бу маълумотлар ҳозиргача Ўзбекистон ва собиқ иттифоқ зоолог олимлари, мутахассислари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижасидир. Китобда кўрсатилаётган рақамлар келажақда ўзгариши табиий. Чунки умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонлар табиий шароитда турли хилдаги биотик, абиотик ва антропоген факторлар ёрдамида ёки таъсирида бир зоогеографик минтақадан иккинчи зоогеографик минтақага актив ёки пассив миграция қилиш йўли билан ўзларига янги ватан топадилар. Шундай экан, шубҳасиз, Ўзбекистон ёки Сурхондарё фаунаси учун янги тур ҳайвонлар кириб келади. Бунинг натижасида ватанимиз ҳайвонот дунёси янги тур ҳайвонлар ҳисобига бойиб, янгиланиб ва ўзгариб бораверади.

Сурхондарёнинг табиати, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, турли-туман ландшафтлари халқимиз миллий бойлигининг бир қисми ҳисобланади. Бу бойлик бир неча миллион йиллик эволюция жараёнида пайдо бўлган ҳамда аجدодларимиз томонидан бизгача қолдирилган улкан меросдир. Бу меросни келажақ авлодларга бус-бутун ва барқарор

қолда қолдиришдек улкан ва масъулиятли вазифани унутмаслигимиз керак.

Китобнинг «Кириш», «Сурхондарё вилоятининг табиий географик характеристикаси», «Вилоят табиатини, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва унинг аҳамияти», «Хулоса ўрнида» қисмлари профессор Ш.Х. Хуррамов томонидан ёзилган. Ўсимлик гельминтлари бўлимини Ш.Хуррамов ва А.Хуррамовлар ёзишган. Қолган бўлимлари доцентлар Х.Тангиров, А.Хуррамов, А.Қулмаматов, катта ўқитувчилар ва ўқитувчилар А.Бекмуродов, Э.Саидова, Б.Раҳматуллаев, Н.Девонова, Г.Мардонова, Х.Норбутаев, Р.Ғойимов, М.Абраматов ва оператор Т.Йўлдошевлар томонидан ёзилди ва нашрга тайёрланди.

Сурхондарё воҳасидаги умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонлар ҳақида илмий-оммабоп китоб биринчи марта нашр қилинаётганлиги учун уни камчиликлардан холи деб бўлмайди. Шунинг учун китоб юзасидан китобхонлар таклиф ва мулоҳазаларини Термиз давлат университети зоология кафедрасига юборишларини сўраймиз. Бизнинг манзилимиз: Термиз шаҳри-11,Ф. Хўжаев кўчаси, 43, Зоология кафедраси.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Вилоятнинг ўзига хос географик ўрни, рельефи ва иқлими Ўрта Осиёнинг бошқа географик районларидан бир мунча фарқ қиладиган табиий-иқтисодий шароитларни келтириб чиқарган.

Вилоят Республиканинг жанубий-шарқий қисмида, Сурхон-Шеробод водийсида жойлашган. Жанубдан Амударё бўйлаб Афғонистон, шимолдан, шимолий-шарқ ва шарқдан Тожикистон, жанубий-ғарбдан Туркменистон, шимолий-ғарбдан Қашқадарё вилояти билан чегарадош. Умумий ер майдони 20,1 минг км². Аҳолиси 1874,4 минг кишини ташкил этади. Таркибида 14 қишлоқ тумани, 8 та шаҳар, 7 та шаҳарча, 114 та қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият кўрсатади.

Вилоятнинг рельефи тоғ ва текисликлардан иборат бўлиб, шимолдан жанубга қияланиб ва кенгайиб борган. Сурхондарё ва Шерободдарёлари оқиб ўтадиган текислик шимолдан, ғарб ва шарқдан баланд Ҳисор тоғ тизмаси (энг баланд жойи 4643 м.) ва унинг тармоқлари Бойсунтоғ, Кўҳитангтоғ, Боботоғ билан ўралган. Бу ерларда неотектоник жараёнлар давом этмоқда ва теварак-атрофдаги тоғлар кўтарилиб, ботиқ чўкиб бормоқда. Тоғлар билан текисликлар орасида адир ва тоғ олди зонаси жойлашган. Тоғлар шимолий зонадан келаётган совуқ ҳаво оқимларини тўсиб туриши натижасида субтропик ўсимликларнинг ўсиши учун қулай иқлим шароити ҳосил қилган. Тоғ зонаси ва адирларда, асосан, ғалла етиштирилади, чорва учун ёзги яйлов ҳисобланади.

Иқлими континентал-субтропик, қиши қисқа ва илиқ, ёзи узоқ, иссиқ, рельефининг хилма-хиллиги ҳарорат режими ва ёғинлар тақсимотига кескин таъсир кўрсатади. Вилоятнинг энг иссиқ туманлари унинг жанубий зоналари ҳисобланади. Йиллик ўртача ҳарорат Шерободда 18°, Термизда 17,4°. Мамлакатимизда энг юқори ҳарорат ҳам Термизда 49,5° С қайд қилинган. Вилоятда юқорига томон ҳаво ҳарорати орта боради: йиллик ўртача ҳарорат Деновда 15,6°, Бойсуннинг тоғли қисмида 14,5°. Мутлақ (абсолют) баландлик 1200 м. дан паст жойларда январ ойининг ўртача ҳарорати 0° дан юқори. Республикаимизнинг ҳеч бир водийсида иссиқ кунлар Сурхон-Шеробод водийсидагидек эрта келиб узоқ давом этмайди. Июль

ойининг ўртача ҳарорати текислик қисмида 28—32°, ҳатто мутлақ баландлиги 2500 м дан ортиқ, тоғли қисмларида бу даврда ўртача ҳарорат 17—18° дан пасаймайди.

Баъзи йиллари қиш анча совуқ бўлиб — 20-30° паст бўлади. Йил давомида булутсиз кунларнинг кўп бўлиши ва қуёш нурининг тик тушиши самарали (эффект) ҳароратлар йиғиндиси юқори бўлишига олиб келади. 10° дан юқори ҳароратли кунлар текислик ҳудудларида 290—320 кун давом этади. Бундай иқлим шароити вилоятда энг иссиқсевар ўсимликлардан шакарқамиш, чин, лавр, пекан, зайтун, ингичка толали пахта ва бошқа субтропик мевали дарахтларнинг ўсишига имкон беради.

Ёғин-сочиннинг йил давомидаги тақсимланиши рельефга, шунингдек, нам ҳаво массаларининг йўналишига кўра турлича бўлади. Йиллик ўртача ёғин миқдори вилоятнинг қуйи зонасида 130—150 мм бўлса, Деновда 360 мм, Бойсунда 445 мм, Сангардакда 780 мм.

Сурхон-Шеробод текислигининг денгиз сатҳидан баландлиги 300—500 м бўлиб, асосан пахта, бугдой, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экилади. Кўплаб боғ, тоқзорлар барпо қилинган. Унинг жанубий қисми кенг қумликлардан иборат. Фойдали қазилмаларга бой бўлиб, нефт ва газ қазиб олинади. Бундан ташқари, Бойсун, Шарғун, Кўхитанг, Ҳисор тоғларининг этакларидан тошқўмир, Сангардак, Хонжиза тоғларидан полиметаллар, Хўжайкон тоғ этагидан ош тузи олинади. Воҳада кўплаб минерал ва шифобахш булоқлар мавжуд.

Вилоят тоғлар билан ўраб олинган берк ботикда жойлашганлигидан бу ерда ёғингарчилик кам бўлади. Унинг жанубий текисликларида йилига 130—140 мм, Ҳисор тоғлари ёнбағирларида 445—625 мм ёғин ёғади. Ёғиннинг асосий қисми баҳор ва қишда бўлади. Вилоятнинг гарбий, жанубий-гарбий ва шимолий-шарқий зоналарида кўплаб шамоллар бўлиб туради.

Воҳамизнинг жанубий-шарқий қисмида ёз фаслида деярли ҳар ҳафтада чанг-тўзонли иссиқ ва қуруқ Афғон шамоли бўлиб туради ва у барча ўсимликлар, умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонларга катта иқтисодий, биологик, физиологик ва экологик зарар еткази.

Вилоятнинг асосий сув артериялари — Сурхондарё, Шерободдарё, Тўполангдарё, Қоратоғдарё, Сангардакдарё ва Хўжайпок дарёлари ҳисобланади. Тоғнинг қор ва музликларидан, ёғиндан тўйинадиган бу дарёлар вилоят ҳудудининг шимолий қисми, тоғ ва тоғ олди зоналаринигина сув билан таъминлайди, холос. Шу боис, вилоят жанубидаги кенг ва катта текисликларда доимий сув танқислиги сезилиб туради.

Ўтган асрнинг 50—60 йилларида Учқизил, Дегрез, Жанубий Сурхон, XXI- асрнинг бошида Туполонг сув омборлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари Ҳазорбоғ, Қумқўрғон, Занг, Дайтўлак, Шеробод каналлари, Жарқўрғон гидротугуни ва Аму-Занг машина суғориш каналлари барпо этилди. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалик экинларини суғориш борасидаги сув танқислигига барҳам берди.

Иккинчи томондан, вилоят текисликларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг сон ва сифат жиҳатидан кўпайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Текислик зоналарда тақирсимон ва шўрхоқ оч бўз тупроқлар мавжуд бўлиб, тоғ ёнбағирларида турли хилдаги бўз тупроқлар учрайди. Вилоятнинг ўсимлик дунёси унинг табиий шароити билан боғлиқ равишда шаклланган. Ботаник олимларнинг таъкидлашича, вилоятда 1780 турга яқин ёввойи ва маданий ўсимликлар ўсади. Вилоятнинг жанубий қисмида, экин экилмайдиган қумлоқ жойларида характерли ўсимликлардан оқ саксовул, тароқбош, ялтирбош, черкез, ёввойи шакарқамиш, қандим, янтоқ, турли хил бутасимонлар ўсади. Сурхон, Шеробод ва Аму дарёларининг бўйларида жийда, терак, қиёқ, қамйш, юлғун, туранғил, савағичлар бўлса, адир ва тоғ олди зоналарида бир йиллик эфемер ўсимликлар — исмалоқ, қўзигул, нўхатак, лолақизғалдоқ, денгиз сатҳидан 1200—2500 м. баландликларида бошқа хилма-хил ўсимликлар билан бирга, тоғ лоласи, каврак, писта, тол, қайин, ёнғоқ, олма, учқат, ёввойи бодом, ёввойи чилон жийда (унаби), арча, ёввойи анжир, ёввойи анор, ёввойи узум, заранг, ирғай каби ноёб ўсимлик турлари учрайди. 3000—4500 м баланд тоғ зоналарида субальп ва альп ўтлоқлари мавжуд.

Вилоятнинг ҳайвонот дунёси турли-туман бўлиб, ўзига хос бир қанча эндемик турларнинг ҳаёт кечирishi билан характерлидир. Ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги ва бой фаунага эга бўлиши вилоят табиий-иқлим шароитининг ҳар хиллиги билан боғлиқ. Бунда ноёб тур ҳайвонларни ҳам учратиш мумкин. Жумладан, қўнғир айиқ, жайрон, архар, ёввойи эчки, ёввойи чўчқа (қобон), буғу, қўшоёқ, тўқай мушуги, юмронқозик, кўрсичқон, кобра (кўзойнакли илон), ўқилон, жайра, улар (тоғ куркаси), гоз, ўрдак, қирғовул, каклик, чил, форел (гулмойи) балиғи кабилардир.

Шундай қилиб, вилоятнинг табиий-географик шароитидаги фарқлар, унинг тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллигига ва географик тарқалишида ҳам акс этган.

Сурхондарё воҳасида ҳаёт кечирадиган барча умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонлар дунёси биринчи бор аниқланаётти. Шу кунгача

мавжуд илмий адабиётларда маълум тур ҳайвоннинг борлиги кўрсатилиб «Сурхондарёда учрайди» деб ёзилган холос. Мазкур китобда эса, ҳар бир топилган тур ҳайвон вилоятнинг қайси туманида ва қандай биотопда яшашни ҳақида аниқ маълумотлар илк бор берилаяпти. Бу далиллар келажакда илм билан шуғулланувчилар ва амалиётчилар учун катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Биз қуйида ҳар бир тур ҳайвоннинг қайси таксономик гуруҳларга мансублиги, турнинг ўзбекча, русча, латинча номлари ва вилоят ҳудудларида тарқалиш ареали ҳақида янги маълумотларни бермоқдамиз.

СОДДА ҲАЙВОНЛАР

Тип. Саркомастигофоралар — Саркомастигофоры — Sarcomastigophora.

Синф. Саркодалилар — Саркодовые — Sarcodina.

Оила. Амёбидае — Амёбы — Amoebidae.

Авлод. Амёба — Амёба — Amoeba.

1. Тур. Оддий амёба — Обыкновенная амёба — Amoeba proteus.

Тарқалиши. Вилоятдаги барча кичик сув ҳавзаларининг лойли, чириндига бой бўлган туб қисмида яшайди.

Оила. Энтамёбидае — Энтамёбы — Entamoebidae.

Авлод. Энтамёба — Энтамёба — Entamoeba.

2. Тур. Дизентерия (ичбуруғ) амёбаси — Дизентерийная амёба — Entamoeba histolytica.

Тарқалиши. Вилоятдаги барча туманлар ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, одам ва ҳайвонларнинг йўғон ичагида паразитлик билан ҳаёт кечиради.

3. Тур. Ичак амёбаси — Кишечная амёба — Entamoeba coli.

Тарқалиши. Вилоятнинг деярли барча туманларида яшовчи одамларнинг йўғон ичагида ҳаёт кечирishi аниқланган.

Синф. Хивчинлилар — Жгутиконосцы — Mastigophora.

Оила. Эвгленидае — Эвглениды — Euglenidae.

Авлод. Эвглена — Эвглена — Euglena.

4. Тур. Яшил эвглена — Зелёная эвглена — Euglena viridis.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманлари ҳудудларидаги ифлосланган кўлмак сув ҳавзаларида кўплаб учрайди.

Оила. Вольвоклар — Волвоксиды — Volvoxidae.

Авлод. Вольвокс — Вольвокс — Volvox.

5. Тур. Глобатор вольвокси — Вольвокс глобатора — Volvox globator.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларидаги кичик сув ҳавзаларида кенг тарқалган.

6. Тур. Ауреус вольвокси — Вольвокс ауреус — Volvox aureus.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларидаги кичик сув ҳавзаларида баҳор ойларида кўпроқ учрайди.

Оила. Трипанозомидалар — Трипанозомы — Trypanosomidae.

Авлод. Лейшмания — Лейшмания — Leishmania.

7. Тур. Тропик лейшмания — Тропическая лейшмания — Leishmania tropica.

Тарқалиши. Вилоят сув ҳавзаларидаги балиқларда, судралиб юрувчилар, сут эмизувчи ҳайвонлар ва одамлар терисида ҳамда ички органларида яшайди.

Авлод. Трихомонас — Трихомонас — Trichomonas.

8. Тур. Ичак трихомонаси — Кишечный трихомонас — Trichomonas hominis.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида одамларнинг йўғон ва ингичка ичагида ҳамда қуёнлар, кемирувчилар, калтакесаклар ва айрим умуртқали ҳайвонлар ичагида кенг тарқалган.

9. Тур. Қин трихомонаси — Влагалишный трихомонас — Trichomonas vaginalis.

Тарқалиши. Вилоятдаги барча хотин-қизлар ва эркаклар сийдик-таносил органларида кўп учрайди.

Оила. Лямблидае — Лямблии — Lambliidae.

Авлод. Лямблия — Лямблия — Lambliia.

10. Тур. Лямблия интестиналис — Лямблия интестиналис — Lambliia intestinalis.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида одамларнинг ўн икки бармоқли, ингичка ичаклари ва ўт йўлларида учрайди.

Тип. Споралилар — Споровики — Sporozoa.

Синф. Кокцидиясимонлар — Кокцидиеобразные — Coccidiomorpha.
Оила. Эймеридае — Эймерии — Eimerida.
Авлод. Эймерия — Эймерия — Eimeria.

11. Тур. Шмит эймерияси — Эймерия Шмита — *Eimeria smithi*.

Тарқалиши. Йирик шохли молларнинг ичаги, жигари, буйраги ва бошқа органларининг эпителий хужайралари ичида паразитлик қилади. Вилюятнинг Денов, Жарқўрғон, Бойсун туманларида йирик шохли қорамолларнинг 38—75% гача паразитнинг шу тури билан зарарланганлиги аниқланган.

12. Тур. Эймерия зурни — Эймерия зурнии — *Eimeria zurnii*.

Тарқалиши. Йирик шохли молларнинг ичаги, жигари ва бошқа органлари эпителий хужайралари ичида паразитлик қилади. Вилюятнинг Денов, Жарқўрғон, Бойсун туманларидаги қорамолларда учрайди.

13. Тур. Алабама эймерияси — Алабаминская эймерия — *Eimeria alabamensis*.

Тарқалиши. Йирик шохли молларнинг ичаги, жигари ва бошқа органлари эпителий хужайралари ичида паразитлик қилади. Вилюятнинг Денов, Жарқўрғон, Бойсун туманларидаги қорамолларда учрайди.

14. Тур. Куён кокцидияси — Кроликовая кокцидия — *Eimeria magna*.

Тарқалиши. Вилюятнинг деярли барча туманларида куёнлар ичагида учрайди.

Авлод. Изоспора — Изоспора — *Isospora*.

15. Тур. Арвензи изоспораси — Изоспора арвензи — *Isospora arvensi*.

Тарқалиши. Термиз туманидаги дала сўфигўрғайининг ўрта ичагидан топилган.

16. Тур. Изоспора рохалимае — Изоспора рохалимае — *Isospora rochalimae*.

Тарқалиши. Бойсун, Денов, Термиз туманларида зағизғоннинг ўрта ичагида паразитлик қилиши аниқланган.

17. Тур. Изоспора монедулае — Изоспора монедулае — *Isospora monedulae*.

Тарқалиши. Денов, Узун, Термиз туманларида зағчаларнинг кўр ичагида учрайди.

Оила. Плазматиде — Плазматиды — *Plasmatidae*.

Авлод. Плазмодиум — Плазмодиум — *Plasmodium*.

18. Тур. Уч кунлик безгак плазмодиуми — Плазмодиум трехдневной — *Plasmodium vivax*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида тарқалган бўлиб, одамларда ва анофелес чивинларида учрайди.

19. Тур. Тўрт кунлик безгак плазмодиуми — Плазмодиум четырехдневной — *Plasmodium malariae*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида тарқалган бўлиб, одамларда ва анофелес чивинларида паразитлик қилиб яшайди.

Тип. Инфузориялар — Инфузории — *Infusoria*.

Синф. Киприкли инфузориялар — Ресничные инфузории — *Ciliata*.

Оила. Парамецииде — Парамецииды — *Paramaeciidae*.

Авлод. Парамециум — Парамециум — *Paramecium*.

20. Тур. Туфелька — инфузория — Инфузория-туфелька — *Paramecium caudatum*.

Тарқалиши. Вилоят худудидаги барча кичик чучук сув ҳавзаларида кенг тарқалган.

КЎП ҲУЖАЙРАЛИ ҲАЙВОНЛАР

Тип. Бушлиқичлилар — Кишечнополостные — *Coelenterata*.

Синф. Гидрозоидлар — Гидроидные — *Hydrozoa*.

Оила. Гидридае — Гидры — *Hydridae*.

Авлод. Гидра — Гидра — *Hydra*.

21. Тур. Чучук сув гидраси — Пресноводная гидра — *Hydra oligactis*.

Тарқалиши. Шеробод, Бойсун, Сариосиё, Олтинсой туманларининг тоғли зоналаридаги булоқ сувларида учрайди.

Тип. Ясси чувалчанглар — Плоские черви — *Plathelminthes*.

Синф. Сўрғиччилар — Сосальщикои — *Trematoda*.

Оила. Фасциолидае — Фасциолы — *Fasciolidae*.

Авлод. Фасциола — Фасциола — *Fasciola*.

22. Тур. Жигар қурти — Печеночная двуустка — *Fasciola hepatica*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларидаги кўй, эчки, қорамол, от, эшакларнинг ҳамда айрим кемирувчилар (товушқон, қуён, сичқон) нинг жигарида (асосан ўт йўлларида) паразитлик қилиб ҳаёт кечирилади. Айрим ҳолатларда одамда ҳам учрайди.

23. Тур. Гигант фасциола — Фасциола гигантика — *Fasciola gigantica*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча зоналарида, айниқса, серсув тўқайзорлар, чучук сувлари кўп бўлган яйловларда боқиладиган кўй, эчки, қорамол, от, эшак ва айрим кемирувчилар, баъзи ҳолатларда одамнинг ўт йўлларида учрайди.

Оила. Эхиностоматиде — Эхиностоматиды — *Echinostomatidae*.

Авлод. Эхиностома — Эхиностома — *Echinostoma*.

24. Тур. Эхиностома револутум — Эхиностома револутум — *Echinostoma revolutum*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида чуррак, суқсур ва уй товуғининг ингичка ичагида учрайди.

25. Тур. Эхиностома трансфретанум — Эхиностома трансфретанум — *Echinostoma transfretanum*.

Тарқалиши. Сурхондарё дарёси қирғоқларида учрайдиган қашқалдоқларнинг ингичка ичагида паразитлик қилади.

26. Тур. Эхиностома хлороподис — Эхиностома хлороподис — *Echinostoma chloropodis*.

Тарқалиши. Сурхондарё дарёси қирғоқларида учрайдиган қашқалдоқларнинг ингичка ичагида паразитлик билан ҳаёт кечирилади.

27. Тур. Эхиностома параурум — Эхиностома параурум — *Echinostoma paraulum*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида хонаки ўрдак, кўк каптар, чуррак каби қушларнинг ичак системасида учрайди.

Авлод. Петасигер — Петасигер — *Petasiger*.

28. Тур. Петасигер эксеретус — Петасигер эксеретус — *Petasiger exaeretus*.

Тарқалиши. Шеробод туманидаги Қорасув қишлоғи худудида учрайдиган катта қоравойларнинг ингичка ичагида аниқланган.

Оила. Дикроцелиидае — Дикроцелииды — *Dicrocoeliidae*.

Авлод. Дикроцелиум — Дикроцелиум — *Dicrocoelium*.

29. Тур. Ланцетсимон сўргичли — Ланцетовидная двуустка — *Dicrocoelum lanceatum*.

Тарқалиши. Вилоятнинг чорвачилик билан шуғулланадиган барча туманларида қўй, эчки, қорамол, от, эшак, қуён ва баъзан одамнинг жигар ва ўт йўлларида учрайди.

Оила. Простогонимидае — Простогонимиды — *Prosthogonimidae*.
Авлод. Простогонимус — Простогонимус — *Prosthogonimus*.

30. Тур. Простогоним оватус — Простогоним оватус — *Prosthogonimus ovatus*.

Тарқалиши. Сурхондарё дарёси қирғоқларида ва Шеробод тумани худудида қирғовул ва ўрдакларнинг тухумдонларида паразитлик қилади.

31. Тур. Простогоним сунеатус — Простогоним сунеатус — *Prosthogonimus cuneatus*.

Тарқалиши. Сурхондарё дарёси қирғоқларида учрайдиган қашқалдоқларнинг фабрициев халтачасида паразитлик қилиши аниқланган.

Оила. Парамфистоматидае — Парамфистоматиды — *Paramphistomatidae*.

Авлод. Каликофорон — Каликофорон — *Calicophoron*.

32. Тур. Ершов каликофорони — Каликофорон Ершова — *Calicophoron erschowi*.

Тарқалиши. Вилоятнинг Жарқўрғон ва Шеробод туманларида қорамол ва қўйларнинг ичакларида паразитлик қилиши аниқланган.

33. Тур. Каликофорон каликофорум — Каликофорон каликофорум — *Calicophoron calicophorum*.

Тарқалиши. Вилоятнинг Жарқўрғон ва Шеробод туманларида ёш қорамолларнинг ичак системасидан топилган.

Оила. Клиностоматидае — Клиностоматиды — *Clinostomatidae*.

Авлод. Клиностомум — Клиностомум — *Clinostomum*.

34. Тур. Клиностомум компланатум — Клиностомум компланатум — *Clinostomum complanatum*.

Тарқалиши. Тўналанг дарёси қирғоқларида катта қоравой ва балиқчи қушларнинг оғиз бўшлиғида паразитлик қилиши аниқланган.

Оила. Циклокоелиидае — Циклокоелииды — *Cyclocoeliidae*.

Авлод. Циклокоелум — Циклокоелум — Cyclocoelum.

35. Тур. Циклокоелум мутабиле — Циклокоелум мутабиле — Cyclocoelum mutabile.

Тарқалиши. Сурхондарё дарёсининг қирғоқларида учрайдиган қашқалдоқларнинг тана бушлиғида паразитлик қилиши қайд этилган.

Оила. Стригеидае — Стригеиды — Strigeidae.

Авлод. Котилурус — Котилурус — Cotylurus.

36. Тур. Котилурус корнутус — Котилурус корнутус — Cotylurus cornutus.

Тарқалиши. Сурхондарё дарёси ўзанида тарқалган чуррақларнинг ичак системасида паразитлик қилиши аниқланган.

Оила. Нотокотилидае — Нотокотилиды — Notocotylidae.

Авлод. Нотокотилус — Нотокотилус — Notocotylus.

37. Тур. Нотокотилус аттениатус — Нотокотилус аттениатус — Notocotylus attenuatus.

Тарқалиши. Шеробод туманидаги хонаки ўрдақларнинг ингичка ичагида паразитлик қилиши қайд этилган.

Оила. Бильгарзиеллидае — Бильгарциеллиды — Bilharziellidae.

Авлод. Бильгарзиелла — Бильгарзиелла — Bilharziella.

38. Тур. Бильгарзиелла полоника — Бильгарциелла полоника — Bilharziella polonica.

Тарқалиши. Жанубий Сурхон сув омборида тарқалган кўл балиқчиси ва ўрдақларнинг қон томир системасида паразитлик қилиб ҳаёт кечиради.

Синф. Тасмасимон чувалчанглар — Ленточные червы — Cestoda.

Оила. Лигулидае — Лигулиды — Ligulidae.

Авлод. Лигула — Лигула — Ligula.

39. Тур. Ичак лигуласи — Ремнец обыкновенный — Ligula intestinalis.

Тарқалиши. Сурхондарё дарёси ўзанида тарқалган катта қоравойларнинг ингичка ичагида паразитлик қилиб ҳаёт кечиради.

Оила. Дифиллоботридае — Дифиллоботриды — Diphyllobothriidae.

Авлод. Дифиллоботриум — Дифиллоботриум — Diphyllobothrium.

40. Тур. Кенг лентец ёки сербар тасмасимон чувалчанг — Лентец широкий — Diphyllobothrium latum.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида кенг тарқалган бўлиб, ит, мушук, тулки, айиқларнинг ичакларида учрайди.

Оила. Даваинеидае — Даваинеиды — Davaineidae.
Авлод. Даваинеа — Даваинеа — Davainea.

41. Тур. Даваинеа проглоттина — Даваинеа проглоттина — Davainea proglottina.

Тарқалиши. Шеробод туманида уй товуқларининг ингичка ичагида паразитлик қилиши аниқланган.

Авлод. Реллиетина — Реллиетина — Raillietina.

42. Тур. Реллиетина тетрагона — Реллиетина тетрагона — Raillietina tetragona.

Тарқалиши. Вилоятнинг деярли барча туманларида уй товуқларининг ингичка ичагида паразитлик қилиб ҳаёт кечиради.

43. Тур. Реллиетина сестисиллус — Реллиетина сестисиллус — Raillietina cesticillus.

Тарқалиши. Асосан, уй товуғи, куркалар ва какликлар организмида паразитлик қилиб, уларнинг ингичка ичакларида учрайди. Вилоятнинг тоғ ва тоғ олди туманларида тарқалган.

Оила. Солитёрлар — Солитёры — Taeniidae.

Авлод. Тениаринхус — Тениаринхус — Taeniarhynchus.

44. Тур. Қорамол тасмасимон чувалчанги — Бычий солитёр — Taeniarhynchus saginatus.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида одамларнинг ва қорамолларнинг ингичка ичагида учрайди.

Авлод. Мультицепс — Мультицепс — Multiceps.

45. Тур. Қўй мия қурти — Овечий мозговик — Multiceps multiceps.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида кенг тарқалган бўлиб, чўпон итлари, қўйларда, ёввойи сут эмизувчи ҳайвонлар миясида, айрим ҳолатларда одамларда ҳам учрайди.

46. Тур. Гаигери мия қурти — Мультицепс гаигери — Multiceps gaigeri.

Тарқалиши. Шеробод ва Бойсун туманларида эчкиларнинг бош ва орқа миясида учрайди.

Авлод. Эхинококкис — Эхинококкис — Echinococcus.

47. Тур. Эхинококк қурти — Цепень эхинококка — Echinococcus granulosis.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида ит, бўри, чиябўри, тулки, одам, қўй, эчки, қорамоллар, от, эшак, туя, чўчқаларнинг жигар, ўпка, баъзан юрак ва миясида учрайди.

Авлод. Альвеококкус — Альвеококкус — *Alveococcus*.

48. Тур. Альвеококкис мультилокуларис — Альвеококкис мультилокуларис — *Alveococcus multilocularis*.

Тарқалиши. Вилоятнинг Термиз, Шеробод, Музработ, Шўрчи, Денов, Сариосиё, Бойсун туманларида қўй ва қорамолларнинг ичак системасида паразитлик қилиб яшайди.

Авлод. Гидатигера — Гидатигера — *Hydatigera*.

49. Тур. Гидатигера тениаформис — Гидатигера тениаформис — *Hydatigera taeniaeformis*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида уй сичқони, ит, уй мушуги ва тулкиларнинг ичак системасида паразитлик қилиши аниқланган.

50. Тур. Гидатигера крепкогорски — Гидатигера крепкогорски — *Hydatigera krepkogorski*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида уй мушугининг ичакларида паразитлик қилади.

Авлод. Параноплосефала — Параноплосефала — *Paranoplocephala*.

51. Тур. Параноплосефала мамиллана — Параноплосефала мамиллана — *Paranoplocephala mamillana*.

Тарқалиши. Вилоятнинг Бойсун, Олтинсой, Денов, Шеробод туманларида от ва эшакларнинг ичакларида паразитлик қилади.

Авлод. Тения — Тения — *Taenia*.

52. Тур. Тения хидатигена — Тения хидатигена — *Taenia hydatigena*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида ит, уй мушуги, қўй, эчки, қорамол, чўчқа, от, тулки каби сут эмизувчи ҳайвонларнинг ичак системасида учрайди.

53. Тур. Тения писиформис — Тения писиформис — *Taenia pisiformis*.

Тарқалиши. Шеробод, Бойсун, Сариосиё, Денов туманларининг тоғли зоналарида тулки, товушқон, ит ва уй мушугининг ичакларида учрайди.

- 54. Тур.** Тения овис — Тения овис — *Taenia ovis*.
Тарқалиши. Вилюятнинг барча туманларида кенг тарқалган паразит бўлиб, итларнинг ичак системасида учрайди.
Оила. Мезоцестоидидае — Мезоцестоидиды — *Mesocestoididae*.
Авлод. Мезоцестоидес — Мезоцестоидес — *Mesocestoides*.
- 55. Тур.** Мезоцестоидес линеатус — Мезоцестоидес линеатус — *Mesocestoides lineatus*.
Тарқалиши. Вилюятнинг Бойсун, Шеробод, Узун, Сарисийё, Олтинсой, Музработ туманларида тулки, ит, уй мушугининг ичакларида паразитлик билан ҳаёт кечириши қайд этилган.
Оила. Гименолепидидае — Гименолепидиды — *Hymenolepididae*.
Авлод. Гименолепис — Гименолепис — *Hymenolepis*.
- 56. Тур.** Калта занжирсимон чувалчанг — Карликовый цепень — *Hymenolepis nana*.
Тарқалиши. Вилюятнинг барча туманларида болалар ва катта ёшдаги одамлар ичагида паразитлик қилади.
- 57. Тур.** Гименолепис фратерна — Гименолепис фратерна — *Hymenolepis fraterna*.
Тарқалиши. Шеробод туманидаги Шалқон қишлоғида сассиқпопишак ва ҳинд чуғурчиғининг ингичка ичагида паразитлик қилади.
Авлод. Аплопараксис — Аплопараксис — *Aploraksis*.
- 58. Тур.** Аплопараксис ларина — Аплопараксис ларина — *Aploraksis larina*.
Тарқалиши. Сурхондарё дарёсининг турли хуудларида учрайдиган қўл балиқчи қушларининг ингичка ичагида паразитлик қилади.
- 59. Тур.** Аплопараксис филум — Аплопараксис филум — *Aploraksis filum*.
Тарқалиши. Сурхондарё дарёси атрофларида учрайдиган балиқчи қушларининг ингичка ичагида паразитлик қилади.
Авлод. Клоакотаения — Клоакотаения — *Cloacotaenia*.
- 60. Тур.** Клоакотаения мегалопс — Клоакотаения мегалопс — *Cloacotaenia megalops*.
Тарқалиши. Термиз туманидаги Учқизил сув омбори атрофида яшайдиган чуррақлар, ёввойи ўрдақларнинг клоакаси ва тўғри ичагида паразитлик қилади.

Авлод. Дикранотаения — Дикранотаения — *Dicranotaenia*.

61. Тур. Дикранотаения коронула — Дикранотаения коронула — *Dicranotaenia coronula*.

Тарқалиши. Термиз туманидаги Учқизил сув омборида тарқалган чурракларнинг ингичка ичагида паразитлик қилиши аниқланган.

Авлод. Диорхис — Диорхис — *Diorchis*.

62. Тур. Диорхис бревис — Диорхис бревис — *Diorchis brevis*.

Тарқалиши. Сурхондарё дарёсининг турли ҳудудларида қашқалдоқларнинг ингичка ичагида паразитлик қилиб ҳаёт кечиради.

63. Тур. Диорхис рансоми — Диорхис рансоми — *Diorchis ransomi*.

Тарқалиши. Қорасув дарёсининг Шеробод тумани зонасида учрайдиган қашқалдоқларнинг ингичка ичагида паразитлик қилади.

64. Тур. Диорхис висаяна — Диорхис висаяна — *Diorchis visayana*.

Тарқалиши. Сурхондарё дарёси ўзанининг турли ҳудудларида қашқалдоқларнинг ингичка ичагида аниқланган.

Оила. Аноплоцефалидае — Аноплоцефалиды — *Anoplocephalidae*.

Авлод. Монезия — Монезия — *Moniezia*.

65. Тур. Монезия экспанза — Монезия экспанза — *Moniezia expansa*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларидаги қўй, эчки, қорамол ва отларнинг ингичка ичакларида паразитлик қилади.

66. Тур. Монезия аутумналиа — Монезия аутумналиа — *Moniezia autumnalia*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларидаги қўй ва қорамолларнинг ингичка ичакларида паразитлик қилади.

67. Тур. Монезия бенедени — Монезия бенедени — *Moniezia benedeni*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларидаги қўй ва қорамолларнинг ингичка ичакларида учрайди.

Авлод. Аноплоцефала — Аноплоцефала — *Anoplocephala*.

68. Тур. Аноплоцефала перфолиата — Аноплоцефала перфолиата — *Anoplocephala perfoliata*.

Тарқалиши. Вилоятнинг Бойсун, Шеробод, Сарисийё, Узун, Олтинсой, Денов туманларининг тоғ ва тоғ олди зоналарида от ва эшакларнинг ичак системасида учрайди.

69. Тур. Аноплоцефала магна — Аноплоцефала магна — Anoplocephala magna.

Тарқалиши. Шеробод, Бойсун, Сариосиё, Олтинсой, Денов туманларининг тоғли зоналарида отларнинг ингичка ичагида учрайди.

Оила. Дилепидидае — Дилепидиды — Dilepididae.

Авлод. Аномотения — Аномотения — Anomotaenia.

70. Тур. Аномотения стентореа — Аномотения стентореа — Anomotaenia stentorea.

Тарқалиши. Шеробод, Қизириқ, Бандихон, Бойсун, Шўрчи, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Денов туманларининг текисликлари ва тоғ олди зоналарида яшайдиган қашқалдоқларнинг ингичка ичагида учрайди.

Авлод. Монопиледиум — Монопиледиум — Monopylidium.

71. Тур. Монопиледиум паринум — Монопиледиум паринум — Monopylidium parinum.

Тарқалиши. Бойсун, Денов, Олтинсой, Сариосиё, Шеробод туманларининг тоғ зоналарида яшовчи ҳинд чуғурчиғининг ингичка ичагида паразитлик қилади.

Авлод. Парадилепис — Парадилепис — Paradilepis.

72. Тур. Парадилепис сколецина — Парадилепис сколецина — Paradilepis scolecina.

Тарқалиши. Жанубий Сурхон сув омборида тарқалган қоравойларнинг ингичка ичагида учрайди.

Авлод. Дипиледиум — Дипиледиум — Dipylidium.

73. Тур. Дипиледиум канинум — Дипиледиум канинум — Dipylidium caninum.

Тарқалиши. Вилоятнинг Бойсун, Сариосиё, Олтинсой туманларининг тоғ ва тоғ олди зоналарида айиқ, бўри, тулки, ит ва уй мушугининг ичакларида учраши аниқланган.

Авлод. Диплопидиум — Диплопидиум — Diplopylidium.

74. Тур. Диплопидиум нюллери — Диплопидиум нюллери — Diplopylidium nolleri.

Тарқалиши. Вилоятнинг Шеробод, Бойсун, Сариосиё, Олтинсой, Денов туманларининг тоғ ва тоғ олди зоналарида бўри, тулки, ит, уй мушугининг ичак системасида паразитлик қилиши қайд этилган.

Авлод. Каленотения — Каленотения — *Calenotaenia*.

75. Тур. Каленотения пузилла — Каленотения пузилла — *Calenotaenia pusilla*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида уй сичқонларининг ичак системасида паразитлик қилади.

76. Тур. Каленотения ромбомидес — Каленотения ромбомидес — *Calenotaenia rhombomides*.

Тарқалиши. Вилоятнинг Бандихон, Қизириқ, Шеробод туманларининг чўл зоналарида, қизил думли қумсичқон ва катта қумсичқонларнинг ичакларида учрайди.

Авлод. Жоилуксилла — Жоилуксилла — *Joyluxiella*.

77. Тур. Жоилуксилла эхиноринхоидес — Жоилуксилла эхиноринхоидес — *Joyluxiella echinorhynchoides*.

Тарқалиши. Вилоятнинг деярли барча туманларида уй мушуги ва тулкиларнинг ичак системасидан топилган.

78. Тур. Жоилуксилла россикум — Жоилуксилла россикум — *Joyluxiella rossicum*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида тулки, ит, уй мушугининг ичак системасида учрайди.

79. Тур. Жоилуксилла паскуалеи — Жоилуксилла паскуалеи — *Joyluxiella pasqualei*.

Тарқалиши. Вилоятнинг Бойсун, Шеробод, Олтинсой, Бандихон туманларининг тоғ ва тоғ олди зоналаридаги тулкиларнинг ичак системасида учрайди.

Оила. Парутеринидае — Парутериниды — *Paruterinidae*.

Авлод. Нюрая — Нюрая — *Neyraia*.

80. Тур. Нюрая интриката — Нюрая интриката — *Neyraia intricata*.

Тарқалиши. Жарқўрғон тумани ҳудудида сассиқпопишакларнинг ингичка ичагида қайд қилинган.

ЎСИМЛИК ГЕЛЬМИНТЛАРИ

Оила. Алаймидае — Алаймиды — Alaimidae.

Авлод. Алаймус — Алаймус — Alaimus.

81. Тур. Содда алаймус — Алаймус примитивус — Alaimus primitivus.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида анор, хурмо, анжир ва бодом ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

82. Тур. Алаймус гамулус — Алаймус гамулус — Alaimus hamulus.

Тарқалиши. Сариосиё ва Жарқўрғон туманларида хурмо, анор ва ёввойи анжир ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

83. Тур. Алаймус томпсони — Алаймус томпсони — Alaimus thompsoni.

Тарқалиши. Бойсун туманидаги анор ва ёввойи бодом ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

Оила. Трипилидае — Трипилиды — Tripylidae

Авлод. Трипила — Трипила — Tripyla

84. Тур. Шохли трипила — Трипила рогатая — Tripylacornita.

Тарқалиши. Денов туманидаги субтропик экинлар ва бегона ўтларнинг илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

Авлод. Тришистома — Тришистома — Trischistoma.

85. Тур. Тоқ бачадонли тришистома — Одноматочный тришистома — Trischistoma monohystera.

Тарқалиши. Термиз туманида бугдой ўсимлиги илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

Авлод. Тобрилус — Тобрилус — Tobrilus.

86. Тур. Кирьянова тобрилуси — Тобрилус Кирьяновой — Tobrilus kirjanovae.

Тарқалиши. Термиз туманида бугдой ўсимлиги илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

Оила. Призматололаймидае — Призматололаймиды — Prismatolaimidae.

Авлод. Призматололаймус — Призматололаймус — Prismatolaimus.

87. Тур. Узун думли призматололаймус — Призматололаймус длиннохвостый — Prismatolaimus dolichurus.

Тарқалиши. Вилоятнинг хурмо, анжир, бодом ва ёввойи анор етиштириладиган барча туманларидаги ўсимликлар илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

Оила. Мононхидае — Мононхиды — Mononchidae.

Авлод. Кларкус — Кларкус — Clarcus.

88. Тур. Папиллоидли кларкус — Кларкус папиллодный — Clarcus papillatus.

Тарқалиши. Вилоятда етиштириладиган анор, анжир, хурмо, бодом ва бегона ўтлар илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд этилган.

Авлод. Йотонхус — Йотонхус — Jotonchus.

89. Тур. Йотонхус монтикола — Йотонхус монтикола — Jotonchus monticola.

Тарқалиши. Сариосиё туманидаги ёввойи ўсимликлар илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

Авлод. Мононхус — Мононхус — Mononchus.

90. Тур. Мононхус агуатикус — Мононхус водный — Mononchus aquaticus.

Тарқалиши. Шеробод туманида етиштириладиган анжир ўсимлиги илдизи атрофидаги тупроқдан аниқланган.

91. Тур. Кесиксимон мононхус — Мононхус усечённый — Mononchus truncatus.

Тарқалиши. Шеробод, Термиз ва Кумқўрғон туманларида бугдой ва жавдар ўсимлиги илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

Авлод. Прионхулус — Прионхулус — Prionchulus.

92. Тур. Йўсинсимон прионхулус — Прионхулус моховой — Prionchulus muscogum.

Тарқалиши. Сариосиё туманида ёввойи анжир ва бодомларнинг илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

Оила. Милонхулидае — Милонхулиды — Mylonchulidae.

Авлод. Милонхулус — Милонхулус — Mylonchulus.

93. Тур. Калта думли милонхулус — Милонхулус короткохвостный — Mylonchulus brachyurus.

Тарқалиши. Денов туманида анор илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

94. Тур. Милонхулус инкурвус — Милонхулус инкурвус — *Mylonchulus incurvus*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида ёввойи анор ва хурмолар илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд этилган.

95. Тур. Милонхулус лакустрис — Милонхулус лакустрис — *Mylonchulus lacustris*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида ёввойи гилос ва жийда илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

96. Тур. Термиз милонхулиси — Термезский милонхулус — *Mylonchulus termeziensis*.

Тарқалиши. Денов, Сариосиё туманларида хурмо ҳамда ёввойи анорнинг илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

97. Тур. Милонхулус сигматурус — Милонхулус сигматурус — *Mylonchulus sigmaturus*.

Тарқалиши. Шеробод ва Ангор туманларида маданий ва ёввойи анор, анжир, буғдой, жавдар, хурмо ҳамда чилонжийда илдизи атрофидаги тупроқда мавжудлиги қайд этилган.

Оила. Анатонхидае — Анатонхиды — *Anatonchidae*.

Авлод. Анатонхус — Анатонхус — *Anatonchus*.

98. Тур. Уч тишли анатонхус — Анатонхус тризубый — *Anatonchus tridentatus*.

Тарқалиши. Шеробод туманида ёввойи сули ўсимлиги илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд этилган.

Авлод. Тигронхоидес — Тигронхоидес — *Tigronchoides*.

99. Тур. Тигронхоидес варидентус — Тигронхоидес варидентус — *Tigronchoides varidentus*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида маданий ва ёввойи анор ҳамда чилонжийда ўсимликлари илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

Оила. Ниголаймидае — Ниголаймиды — *Nygolaimidae*.

Авлод. Ниголаймус — Ниголаймус — *Nygolaimus*.

100. Тур. Калта думли ниголаймус — Ниголаймус короткохвостный — *Nygolaimus brachyurus*.

Тарқалиши. Жарқўрғон туманида маданийлаштирилган анор, бодом ва чилонжийда ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

101. Тур. Ниголаймус кабураки — Ниголаймус кабураки — *Nygolaimus kaburaki*.

Тарқалиши. Ангор туманида анор ва чилонжийда ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

102. Тур. Ниголаймус макроспикулум — Ниголаймус макроспикулум — *Nygolaimus macrospiculum*.

Тарқалиши. Сариосиё ва Денов туманларида ёввойи анжир, pista ўсимликлари илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

Оила. Дорилаймидае — Дорилаймиды — *Dorylaimidae*.

Авлод. Дорилаймус — Дорилаймус — *Dorylaimus*.

103. Тур. Ҳовуз дорилаймуси — Дорилаймус прудовой — *Dorylaimus stagnalis*.

Тарқалиши. Сариосиё, Бандихон, Қизириқ туманларида маданий ва ёввойи анор, анжир, pista ва буғдой ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

104. Тур. Бастиан дорилаймуси — Дорилаймус бастианоидес — *Dorylaimus bastianoides*.

Тарқалиши. Қумқўрғон, Бандихон, Сариосиё туманларида анор, буғдой ва хурмо ўсимликлари илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

105. Тур. Дорилаймус хелветикус — Дорилаймус хелветикус — *Dorylaimus helveticus*.

Тарқалиши. Вилянтнинг Сариосиё туманида маданий ва ёввойи хурмо дарахтининг илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

Авлод. Парадорилаймус — Парадорилаймус — *Paradorylaimus*.

106. Тур. Ипсимон парадорилаймус — Парадорилаймус нитевидная — *Paradorylaimus filiformis*.

Тарқалиши. Ангор, Бойсун, Сариосиё туманларида маданий ва ёввойи анор, анжир, чилонжийда ва бодом ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учраши аниқланган.

Авлод. Торненема — Торненема — *Thornenema*.

107. Тур. Торненема кавалкантии — Торненема кавалкантии — *Thornenema cavalcantii*.

Тарқалиши. Денов, Узун ва Шўрчи туманларида анор, хурмо, анжир ва бодом ўсимликлари илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

108. Тур. Мавритания торненемаси — Торненема Мавритания — *Thornenema mauritianum*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида ёввойи анор ва бодом ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

Авлод. Сикагуттур — Сикагуттур — *Sicaguttur*.

109. Тур. Сикагуттур сартум — Сикагуттур сартум — *Sicaguttur sarthum*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида ёввойи хурмо ва анжир ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

Авлод. Мезодорилаймус — Мезодорилаймус — *Mesodorylaimus*.

110. Тур. Бастиан мезодорилаймуси — Мезодорилаймус Бастиани — *Mesodorylaimus bastiani*.

Тарқалиши. Сариосиё, Узун, Музработ, Олтинсой, Қумқўрғон ва Шўрчи туманларида анор, хурмо, анжир, чилонжийда, бугдой, арпа, жавдар ҳамда бегона ўтларнинг илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

111. Тур. Мезодорилаймус арвензиз — Мезодорилаймус арвензиз — *Mesodorylaimus argensis*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида маданий анор ва ёввойи бодом ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

112. Тур. Тўғноғич думли мезодорилаймус — Мезодорилаймус булавохвостный — *Mesodorylaimus clavicaudatus*.

Тарқалиши. Денов туманида анор, чилонжийда, лавр ва ёввойи бодом ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

113. Тур. Мезодорилаймус криптосперма — Мезодорилаймус криптосперма — *Mesodorylaimus cryptosperma*.

Тарқалиши. Денов, Бойсун туманларида ёввойи пистанинг илдизи атрофидаги тупроқда учраши аниқланган.

114. Тур. Мезодорилаймус дерни — Мезодорилаймус дерни — *Mesodorylaimus dernii*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида анор, ёввойи хурмо ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда мавжудлиги қайд қилинган.

115. Тур. Мезодорилаймус пузиллус — Мезодорилаймус пузиллус — *Mesodorylaimus pusillus*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида анор, чин лавр ва ёввойи анжир ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

116. Тур. Мезодорилаймус парасубулатус — Мезодорилаймус парасубулатус — *Mesodorylaimus parasubulatus*.

Тарқалиши. Олтинсой, Сариосиё, Шеробод туманларида буғдойнинг илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

Оила. Кудсианематидае — Кудсианематиды — *Qudsianematidae*.

Авлод. Эудорилаймус — Эудорилаймус — *Eudorylaimus*.

117. Тур. Картер эудорилаймуси — Эудорилаймус Картери — *Eudorylaimus carteri*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида анор, анжир ва ёввойи арпанинг илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

118. Тур. Эудорилаймус конфузис — Эудорилаймус конфузис — *Eudorylaimus confusis*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида анор, хурмо ва бодом ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учраши аниқланган.

119. Тур. Кирьянова эудорилаймуси — Эудорилаймус Кирьяновой — *Eudorylaimus kirjanovae*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида ёввойи анор ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

120. Тур. Жуфт лабли эудорилаймус — Эудорилаймус двухгубая — *Eudorylaimus labiatus*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида маданий ва ёввойи анор ҳамда хурмо дарахтлари илдизи атрофидаги тупроқдан аниқланган.

121. Тур. Эудорилаймус мизер — Эудорилаймус мизер — *Eudorylaimus miser*.

Тарқалиши. Денов туманида анор ва анжир ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учраши аниқланган.

122. Тур. Эудорилаймус опистоделфус — Эудорилаймус опистоделфус — *Eudorylaimus opisthodelphus*.

Тарқалиши. Денов, Сариосиё туманларида хурмо, анор

Ўсимликларининг илдизи ва унинг атрофидаги тупроқда мавжудлиги қайд қилинган.

123. Тур. Папиллали эудорилаймус — Эудорилаймус папиллоидный — *Eudorylaimus papillatus*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида анор ва ёввойи анжир ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учрайди.

124. Тур. Эудорилаймус параобтузикаудатус — Эудорилаймус параобтузикаудатус — *Eudorylaimus paraobtusicaudatus*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида маданий ва ёввойи анор ҳамда чилонжийда ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқдан аниқланган.

125. Тур. Кичкина эудорилаймус — Эудорилаймус маленький — *Eudorylaimus parvis*.

Тарқалиши. Сариосиё туманида маданий ва ёввойи хурмо, анор ҳамда чилонжийда ўсимликларининг илдизи атрофидаги тупроқда учраши қайд қилинган.

126. Тур. Ўхшаш эудорилаймус — Похожая эудорилаймус — *Eudorylaimus similis*.

Авлод. Қоравой — Баклан — *Phalacrocorax*.

897. Тур. Катта қоравой (қорабузов), ҳаром қоравой — Большой баклан — *Phalacrocorax carbo*.

Тарқалиши. Балиқларга бой, секин оқадиган, тоза сувли ҳавзаларда учрайди. Вилютнинг сув омборлари, дарё ва кўлларида учрайди. Баъзи балиқчилик хўжаликларида майда, ёш балиқларни еб зарар келтиради.

898. Тур. Кичик қоравой (қорабузов) — Малый баклан — *Phalacrocorax rugosus* (29-расм).

Тарқалиши. Вилоятнинг текисликдаги сув ҳавзалари, сув омборлари, кўллари ва Амударёнинг қамишзор, сув босган бутазорларида колония бўлиб яшайди. Кам сонда учрайди. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Овлаш таъқиқланган. Муҳофазага муҳтож тур.

Оила. Қарқаралар — Цаплевые — *Ardeidae*.

Авлод. Кўлбуқа — Выпь — *Botaurus*.

899. Тур. Катта кўлбуқа, кўлбуқа — Большая выпь — *Botaurus stellaris*.

Тарқалиши. Сурхондарё вилоятининг текисликдаги барча қамишли, бутазорли сув ҳавзаларида қишлайди. Кам сонли, Амударёнинг соҳилидаги «Оқ тепа» кўлида, қамишзорли зовурларда қиш мавсумида кўп сонда учрайди.

Авлод. Пилдироқ — Волчки — *Ixobrychus*.

900. Тур. Кичик кўлбуқа — Малая выпь — *Ixobrychus minutus*.

Тарқалиши. Сурхондарё вилоятининг текисликлардаги барча сув ҳавзаларида уя қуриб яшайди. Одатий тур, сони турғун.

Авлод. Ҳаққуш—Кваква—*Nycticorax*.

901. Тур. Кваква, ҳаққуш — Кваква — *Nycticorax nycticorax*.

Тарқалиши. Аму ва Сурхон дарёлари соҳилларидаги дарахтзор, бутазорлар, тўқайзорлар, текисликдаги кўл ва сув омборлари атрофидаги бутазорларда учрайди.

Авлод. Оқ қарқара — Белая цапля — *Egretta*.

902. Тур. Катта оқ қарқара, оқ кўтон — Большая белая цапля — *Egretta alba*.

Тарқалиши. Термиз, Ангор, Музработ, Жарқўрғон, Қумқўрғон туманларида фақат қишлаш вақтида қамишзор, бутазорли сув ҳавзалари, ариқлар, унча катта бўлмаган каналлар ва далалар атрофидаги зовурларда учрайди. Охирги вақтларда сони қисқариб бормоқда.

Авлод. Қарқара — Цапля — *Ardea*.

903. Тур. Кулранг қарқара, кўк кўтон — Серая цапля — *Ardea cinerea*.

Тарқалиши. Музработ, Термиз, Ангор туманларининг

текисликлардаги қамишзорли ва бутазорли сув ҳавзаларида — сув омборлари, кўллар, далалар атрофидаги зовурларда учрайди. Қишлоқчи тур, сони турғун.

904. Тур. Катта кўтон, жийрон кўтон, жийрон қарқара — Рыжая цапля — *Ardea purpurea*.

Тарқалиши. Жарқўрғон, Термиз, Музработ, Ангор туманларининг текисликлардаги қамишзорли, бутазорли ва бошқа сувга яқин ўсимликлар билан қопланган сув ҳавзаларида, далалар атрофидаги зовурларда учрайди.

Оила. Ибислар — Ибисовые — *Thresklornithidae*.

Авлод. Қошиқ бурун — Колпица — *Platalea*.

905. Тур. Қошиқ бурун — Колпица — *Platalea leucorodia* (30-расм).

Тарқалиши. Вилоятнинг Термиз, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Ангор туманлари текисликларидаги сув ҳавзаларида учрайди. Учиб ўтувчи тур. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Авлод. Қоравой — Каравайка — *Plegadis*.

906. Тур. Қоравой — Каравайка — *Plegadis falcinellus* (31-расм).

Тарқалиши. Амударё қирғоқлари Термиз, Музработдаги қамишзорли саёз сув ҳавзалари, шопипояларда, зовурларда учиб ўтиш даврида учрайди. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Оила. Ўрдаклар — Утиные — *Anatidae*.

Авлод. Оққуш — Лебедь — *Sygnus*.

907. Тур. Қийқирдоқ оққуш — Лебедь-кликун — *Sygnus olot* (32-расм).

Тарқалиши. Жанубий Сурхон сув омборида учрайди. Кам тарқалган. Муҳофазага муҳтож тур. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган.

Оила. Лайлақлар — Аистовые — *Ciconiidae*.

Авлод. Лайлак — Аист — *Ciconia*.

908. Тур. Туркистон оқ лайлаги — Туркистанский белый аист — *Ciconia ciconia* (33-расм).

Тарқалиши. Амударё, Сурхон дарёлари водийларида, воҳаларда, суғориладиган майдонлар, ботқоқликлар, дарё бўйларида уялайди, қисман қишлайди. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

909. Тур. Қора лайлак – Черный аист – *Ciconia nigra* (34-расм).

Тарқалиши. Вилоятнинг Термиз, Ангор, Музработ каби жанубий туманларида учиб ўтиш даврида учрайди ва қишлаб қолади. Овлаш таъқиқланган. Муҳофазага олинган. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Оила. Қизилқанотлилар – Фламинговые – *Phoenicopteridae*.

Авлод. Қизил ғоз – Фламинго – *Phoenicopterus*.

910. Тур. Қизил ғоз – Фламинго – *Phoenicopterus roseus* (35-расм).

Тарқалиши. Амударё соҳилларидаги сув ҳавзаларида, ботқоқлашган қирғоқларда учрайди. Популяцияси камайиб кетган. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур саналади.

Оила. Ўрдақлар – Утиные – *Anatidae*.

Авлод. Ғоз – Гусь – *Anser*.

911. Тур. Кўк ғоз, кулранг ғоз, ёввойи ғоз – Серый гусь – *Anser anser*.

Тарқалиши. Вилоятнинг текисликлардаги бугазорли, қирғоқ бўйи ўсимликлари ғуж бўлиб ўсган кўлларда ёз мавсумида учрайди. Қишда ва учиб ўтиш даврида оқова сувлардан ҳосил бўлган кўллар, сув омборлари, буғдойзорлар ҳам яшаш жойи саналади. Ов аҳамиятига эга.

912. Тур. Оқ пешонали кичик ғоз – Малый белолобый гусь, гусь пискулька – *Anser erythropus* (36-расм).

Тарқалиши. Сурхон дарёси ўзанлари, қирғоқ бўйи ўсимликлари ғуж бўлиб ўсган йирик сув ҳавзаларида яшайди. Вилоят текисликларидаги сув омборлари, кўллар ва дарёларнинг соҳилларида учиб ўтиш ҳамда қишлаш даврида учрайди. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Авлод. Қизил ўрдақ – Красная утка – *Casarca*.

913. Тур. Анғирт, тўраижоз, қизил ўрдақ – Огарь (атайка) – *Casarca ferruginea*.

Тарқалиши. Амударё ва Сурхон дарёларининг соҳилларида, уларга яқин кўлларда, музламайдиган кичик сув омборларида қишлаш вақтида учрайди. Сони турғун, ов аҳамиятига эга.

Авлод. Суралайғозлар – Пеганкы – *Tadorna*.

914. Тур. Суралай ғоз – Пеганка – *Tadorna tadorna*.

Тарқалиши. Амударё соҳилларидаги шўр сувли кўлларда, далалар атрофидаги зовурларда қишлаш даврида учрайди. Ов аҳамиятига эга. Сони турғун, унчалик кўп эмас.

Авлод. Дарё ўрдаги – Речная утка – *Anas*.

915. Тур. Ёввойи ўрдақ – Кряква – *Anas platyrhynchos*.

Тарқалиши. Сурхондарё, Шерободдарё ва Амударёда учрайди. Асосан қиш мавсумида сув омборлар, кўллар, балиқчилик хўжаликларида учрайди. Кенг тарқалган, кўп сонли, ов аҳамиятига эга тур.

916. Тур. Чуррак – Чирок – Свистунок – *Anas strepera*.

Тарқалиши. Вилоятнинг хилма-хил сув ҳавзалари, кўллар, сув омборлари, каналлар, дарёларнинг секин оқадиган, саёз жойларида учрайди. Кенг тарқалган, сони турғун, ов аҳамиятига эга турлардан бири.

917. Тур. Кўнғир ўрдақ – Серая утка – *Anas strepera*.

Тарқалиши. Шерободдарё ва Сурхон дарёларининг қуйи оқимида, Амударёда, ним шўрли кўллар, зовурлар, сув омборларида қишлаб қолади. Ов аҳамиятига эга тур.

918. Тур. Ола қанот, ола қанотли суқсур – Свизь – *Anas penelope*.

Тарқалиши. Сурхон дарёсининг қуйи оқимида ва Амударёнинг секин оқадиган жойларида, унга яқин кўлларда, Оқ тепа, Учқизил сув омборларида, далалар атрофидаги зовурларда учрайди.

919. Тур. Суқсур – Шиловость – *Anas acuta*.

Тарқалиши. Амударё соҳилларида яқин кўллар, ташлама сувлардан ҳосил бўлган кичик-кичик кўлларда учрайди. Кўп сонли, ов аҳамиятига эга турлардан бири.

920. Тур. Мармар чуррак – Мраморный чирок – *Anas angustirostris* (37-расм).

Тарқалиши. Сурхон дарёсининг қуйи оқимида, Амударё соҳилларида, унга яқин кўллар, зовурларда фақат қишлаш вақтида учрайди. Учиб ўтувчи тур. ТМХИ Қизил рўйхатига киритилган. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган, овлаш таъқиқланган. Муҳофазага муҳтож тур ҳисобланади.

Авлод. Олмабош – Красноносый нырок – *Netta*.

921. Тур. Олмабош — Красноносый нырок — *Netta rufina*.

Тарқалиши. Вилоятнинг текисликдаги сув омборлари, кўллар, ташлама сув ҳавзалари, зовурларда қишлаш вақтида учрайди. Кўп сонли, ов аҳамиятига эга, турғун тур.

Авлод. Балиқчи ўрдак — Нырок — *Aythya*.

922. Тур. Қизилбош — Красноголовая чернеть — *Aythya ferina*.

Тарқалиши. Вилоятнинг текисликларидаги чуқур Жанубий Сурхон, Учқизил, Оқ тепа сув омборларида, шўр сувли кўлларда фақат қишлаш вақтида учрайди. Ов аҳамиятига эга.

923. Тур. Ола қанот оқкўз — Белоглазый нырок — *Aythya nyroca* (38-расм).

Тарқалиши. Вилоятда фақат Амударё яқинидаги кўлларда учрайди. Учиб ўтувчи тур. ТМХИ Қизил рўйхатида киритилган. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Овлаш таъқиқланган. Муҳофазага муҳтож тур ҳисобланади.

Авлод. Хитой ўрдаги — Гоголь — *Vesperhala*.

924. Тур. Хитой ўрдаги — Обыкновенный гоголь — *Vesperhala clangula*.

Тарқалиши. Амударё ва унга яқин музламайдиган кўлларда учрайди. Кам сонли, ов аҳамиятига эга тур.

Авлод. Черга — Крохаль — *Mergus*.

925. Тур. Ёмон черга — Луток — *Mergus albellus*.

Тарқалиши. Вилоятнинг текисликларидаги балиққа бой чуқур сув ҳавзаларида, Жанубий Сурхон сув омбори, Амударё қирғоқларида, кўлларда учиб ўтиш ва қишлаш даврида учрайди. Одатий ов аҳамиятига эга тур. Сони унчалик кўп эмас, лекин турғун.

Оила. Скопалар — Скопиные — *Pandionidae*.

Авлод. Сув қийғир — Скопа — *Pandion*.

926. Тур. Сув қийғири — Скопа — *Pandion haliaetus* (39-расм).

Тарқалиши. Вилоят текисликларидаги сув омборлари, кўллар, дарё бўйларида қишлаш ва учиб ўтиш даврида учрайди. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Оила. Қарчиғайлар — Ястребиные — *Accipitidae*.

Авлод. Сув бургут — Орлан — *Haliaeetus*.

927. Тур. Узун думли сувбургут — Орлан долгохвост — *Haliaeetus leucogyrphus* (40-расм).

Тарқалиши. Амударё ҳавзасида учрайди. Йўқ бўлиб кетаётган, учиб ўтувчи тур. ТМХИ Қизил рўйхатиغا киритилган. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

928. Тур. Оқ думли сув бургут — Орлан-белохвост — *Haliaeetus albicilla* (41-расм).

Тарқалиши. Амударё қирғоқларида учрайди. Овлаш таъқиқланган, ТМХИ Қизил рўйхатиغا ва Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Авлод. Болтаютар — Бородач — *Gypaetus*.

929. Тур. Болтаютар — Бородач — *Gypaetus barbatus* (42-расм).

Тарқалиши. Кўҳитанг, Боботоғ тоғларида уялайди. Заиф, табиатан камёб, ўтроқ, локал тарқалган кенжа тур. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Авлод. Кумой — Сип — *Gyps*.

930. Тур. Оқ бошли кумой — Белоголовый сип — *Gyps fulvus* (43-расм).

Тарқалиши. Кўҳитанг, Бойсунтоғ, Ҳисор тоғ тизмаларининг д.с.б. 2500 м баландликларида уялаш вақтида, текисликларда кўчиш вақтида учрайди. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Авлод. Қорақуш — Гриф — *Aegypius*.

931. Тур. Тасқара — Черный гриф — *Aegypius monachus* (44-расм).

Тарқалиши. Помир-Олой тизмасининг Бойсунтоғ тоғларида учрайди. Сони аста-секин камайиб бормоқда. Овлаш таъқиқланган. ТМХИ Қизил рўйхатиغا ва Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Авлод. Илонбургут — Змеяйд — *Circaetus*.

932. Тур. Илонбургут — Змеяйд — *Circaetus ferox* (45-расм).

Тарқалиши. Сурхон кўриқхонасининг Амударё қирғоқларида учрайди. Ҳозирда сони кескин камайиб кетган. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Авлод. Бургут — Орёл — *Aquila*.

933. Тур. Чўл бургути (ғажир, қорақуш) — Степной орёл — *Aquilani palensis* (46-расм).

Тарқалиши. Вилоятнинг текисликлари ва паст тоғ этакларида учиб ўтиш даврида учрайди. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

934. Тур. Катта олачипор бургут — Большой подорлик — *Aquila clanga* (47-расм).

Тарқалиши. Вилоятнинг текисликлари ва паст тоғ этакларида учиб ўтиш даврида учрайди. Овлаш таъқиқланган. ТМХИ Қизил рўйхатига ва Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

935. Тур. Қиронқора — Могильник — *Aquila heliaca* (48-расм).

Тарқалиши. Вилоятнинг чўл зонаси, текисликларида учиб ўтиш даврида учрайди. Сони доимо кам бўлган. Ҳозирда жуда камайиб кетган. Овлаш таъқиқланган. ТМХИ Қизил рўйхатига ва Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

936. Тур. Бургут — Беркут — *Aquila chrysaetus* (49-расм).

Тарқалиши. Вилоятнинг тоғли ҳудудларида учрайди. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Авлод. Қирғий бургутлар — Ястребные орлы — *Hieraetus*.

937. Тур. Кичик бургут — Орёл-карлик — *Hieraetus pennatus* (50-расм).

Тарқалиши. Кўҳитанг, Бойсунтоғ, Ҳисор тоғ тизмаси ҳамда Боботоғ тоғларида ва текисликларда учрайди. Заиф, қисқариб бораётган, учиб ўтувчи тур. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Авлод. Калхат — Коршун — *Milvus*.

938. Тур. Қора калхат — Чёрный коршун — *Milvus korschun*.

Тарқалиши. Вилоят текисликларидаги дарё қирғоқларида, кўллар, сув ҳавзалари, маданий ландшафтларда, шаҳарларга яқин жойларда учрайди. Вилоят ҳудудида учиб ўтиш даврида кўп учрайди.

Оила. Лочинлар — Соколиные — *Falconidae*.

Авлод. Лочин — Сокол — *Falco*.

939. Тур. Куйка (чўл миққийси) — Степная пустельга — *Falco naumanni* (51-расм).

Тарқалиши. Кўҳитанг, Бойсунтоғ, Ҳисор тоғ тизмаси ва Боботоғ тоғларида учиб ўтиш даврида учрайди. Овлаш таъқиқланган. ТМХИ Қизил рўйхати ва Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

940. Тур. Итолғи — Балобан — *Falco cherrug* (52-расм).

Тарқалиши. Боботоғ, Бойсунтоғ, Кўҳитанг тоғларида учрайди. Кам сонли, овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

941. Тур. Оддий лочин, лочин — Сапсан — *Falco peregrinus* (53-расм).

Тарқалиши. Кўҳитанг тоғи этаклари, текисликларида учиб ўтиш ва қишлаш вақтида учрайди. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Оила. Қарчиғайлар — Ястребиные — *Accipitridae*.

Авлод. Бўктарги — Лунь — *Circus*.

942. Тур. Чўл бўктаргиси — Степной лунь — *Circus macrourus* (54-расм).

Тарқалиши. Амударё, Сурхон дарёси воҳаларида учрайди. Овлаш таъқиқланган. ТМХИ Қизил рўйхати ва Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур ҳисобланади.

943. Тур. Дала бўктаргиси — Полевой лунь — *Circus cyaneus*.

Тарқалиши. Амударё қирғоқларидаги тўқайзорларда учиб ўтиш даврида учрайди. Кўп сонли йиртқич қушлардан бири. Бу даврда маданий ландшафтдаги далаларда, дарё воҳалари ва чўлларда учрайди.

944. Тур. Ўтлоқ бўктаргиси — Луговой лунь — *Circus pygargus*.

Тарқалиши. Амударё ва Сурхон дарё қирғоқлари, очиқ ландшафтларнинг намли, қалин ўтлар билан қопланган ўтлоқзорларда учрайди.

945. Тур. Ботқоқ бўктаргиси — Болотный лунь — *Circus aeruginosus*.

Тарқалиши. Сурхондарё, Шерободдарё ва Амударё дарёлари атрофидаги қамишзорлар, ботқоқликлар ҳамда ўтлоқларда яшайди. Кенг тарқалган.

Авлод. Қарчиғай — Ястреб — *Accipiter*.

- 946. Тур.** Қирғий — Перепелятник — *Accipiter nisus*.
Тарқалиши. Кенг тарқалган. Вилянтнинг барча текислик зоналарида, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида учрайди.
Авлод. Жўрчилар — Стервятник — *Neophron*.
- 947. Тур.** Жўрчи — Стервятник — *Neophron percnopterus*.
Тарқалиши. Амударё қирғоқларида яшайди. Чўл ва тоғ этакларида ҳам учрайди.
Авлод. Лочин — Сокол — *Falco*.
- 948. Тур.** Маллабош лочин (сахро лочини) — Шахин, рыжеголовой сокол — *Falco peregrinoides* (55-расм).
Тарқалиши. Кўҳитанг тоғида уялайди. Соз тупроқли жарликлар, паст тоғлар ва тош қояларида учрайди. Овлаш таъқиқланган. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Сурхон қўриқхонасида муҳофаза остига олинган. Муҳофазага муҳтож тур.
Авлод. Жиғилтойлар — Чеглоки — *Hypotriorchis*.
- 949. Тур.** Жиғилтой — Чеглок — *Hypotriorchis subbuteo*.
Тарқалиши. Вилянтнинг ҳамма текисликларидаги боғ ва тўқайзорларда яшайди. Дарё водийлари ва чўлларда ҳам учрайди.
Авлод. Турумтойлар — Дербники — *Aesalon*.
- 950. Тур.** Турумтой — Дербник — *Aesalon columbarius*.
Тарқалиши. Кенг тарқалган. Текисликдаги дарахтзор, бутазорлар, жарликлар, қоялар, иморатлар бор ерларда яшайди. Қишда чўл зоналарда учрайди.
Авлод. Миққийлар — Пустельги — *Cerchneis*.
- 951. Тур.** Миққий — Обыкновенная пустельга — *Cerchneis tinnunculus*.
Тарқалиши. Вилянтнинг ҳамма жойида учрайди. Ёзда дарахт ва буталар, жарликлар ҳамда тоғ зоналарида, иморатлар бор жойларда яшайди. Қишда чўл зоналарида учрайди.
Оила. Қирғовулар — Фазановые — *Phasianidae*.
Авлод. Улар — Улар — *Tetraogallus*.
- 952. Тур.** Ҷимолай улари — Темнобрюхий улар (гималайский) — *Tetraogallus himalayensis*.
Тарқалиши. Денгиз сатҳидан 2000-2500 м баландликда жойлашган

Қизилнавр, Кенгтала, Чол каби тоғ қишлоқларидаги тошлоқ ва қоялардан иборат жойларда яшайди. Ўтроқ тур. Вилоятнинг барча тоғларида учрайди.

Авлод. Каклик — Кеклик — *Alectoris*.

953. Тур. Каклик — Кеклик — *Alectoris kakelik*.

Тарқалиши. Вилоятдаги барча тоғларда, қоялар ва арчазорларда учрайди.

Авлод. Чўл чиллари — Пустынные куропатки — *Ammoperdix*

954. Тур. Чил каклик, чўл чили — Пустынная куропатка — *Ammoperdix griseogularis*.

Тарқалиши. Бойсун, Кўҳитанг ва Боботоғ тоғларининг пастки зоналарида яшайди. Баъзан Сурхон дарёси воҳасидаги текисликларда учрайди.

Авлод. Бедана — Перепел — *Coturnix*.

955. Тур. Бедана — Перепел — *Coturnix coturnix*.

Тарқалиши. Учиб ўтувчи тур. Кўҳитангда уя куради. Вилоятнинг барча текисликларида, тўқайларда ва маданий ландшафтларда учрайди. Вилоятнинг ҳамма жойида кенг тарқалган.

Авлод. Қирғовул — Фазан — *Phasianus*.

956. Тур. Қирғовул — Фазан — *Phasianus colchicus*.

Тарқалиши. Музработ, Шеробод, Термиз, Ангор, Бандихон, Қизириқ, Жарқўрғон туманларининг текисликларида, дарё қирғоқлари, тўқайзорлар, адирлар ва суғориладиган ерларда ўтроқ ҳаёт кечирилади.

Оила. Турналар — Журавлиные — *Gruidae*.

Авлод. Турна — Журавль — *Grus*.

957. Тур. Кулранг турна — Серый журавль — *Grus grus*.

Тарқалиши. Фақат вилоят ҳудудида қишлайди. Амударё қирғоқлари, тўқайзорлар, ботқоқликлар, бутазорлар ва маданий ландшафтда ғалла майдонларида, шудгорларда қиш мавсумида учрайди. Баҳорги миграциядан аввал чўллардаги ўтлоқларда кўп сонда тўпланишади. Асосан Термиз, Ангор, Музработ туманлари ҳудудларида учрайди.

Авлод. Гузал турна — Журавль-красавка — *Anthropoides*.

958. Тур. Кичик турна, гўзал турна — Журавль-красавка — *Anthropoides virgo*.

Тарқалиши. Кўҳитанг, Бойсунтоғ тоғлари этакларидаги текисликларда, чўллар ва чала чўлларда фақат учиб ўтиш даврида учрайди.

Оила. Сувмошаклар — Пастушковые — *Rallidae*.

Авлод. Погониш — Погоньш — *Porzana*.

959. Тур. Погониш — Погоньш — *Porzana porzana*.

Тарқалиши. Амударё соҳиллари, қамишзорли сув ҳавзалари чеккаларида учрайди. Дашт, чўл, ўрмон ва тоғларнинг д.с.б. дан 800-2400 метргача бўлган жойларида учрайди.

960. Тур. Кичик погониш — Малый погоньш — *Porzana parva*.

Тарқалиши. Сурхон дарёсининг куйи оқимида ва Амударё қирғоқларида учрайди. Текисликдаги хилма-хил сув ҳавзаларида, кўллар, сув омборлари, дарё қирғоқларида учрайди.

961. Тур. Митти погониш — Погоньш-крошка — *Porzana pusilla*.

Тарқалиши. Амударё ҳавзаларидаги тўқайзорлар, чучук ва шўр сувли кичик кўлларда учрайди.

Авлод. Сувмошак — Пастушок — *Rallus*.

962. Тур. Оддий сувмошак — Пастушок — *Rallus aquaticus*.

Тарқалиши. Вилоятнинг Жарқўрғон, Термиз, Қумқўрғон, Музработ туманларининг текисликларидаги кўлларнинг қалин қамишзорли ва бошқа ўсимликлар билан қопланган жойларида, шолиторларда, зовурларда учрайди. Қишда фақат музламайдиган сув ҳавзаларида яшайди.

Авлод. Қамишзор пастушоги — Камышница — *Gallinula*.

963. Тур. Қамишзор пастушоги — Камышница — *Gallinula chloropus*.

Тарқалиши. Сурхон дарёси ва Амударё ҳавзаларида, кўллар атрофидаги қамишзорли тўқайларда кенг тарқалган тур.

Авлод. Қашқалдоқ — Лысуха — *Fulica*.

964. Тур. Қашқалдоқ — Лысуха — *Fulica atra*.

Тарқалиши. Сурхон дарёси, Амударё ва Шерободдарё қирғоқларида, чучук ва шўр сувли сув ҳавзаларида, қишда музламайдиган кўллар,

сув омборлари, дарёларнинг секин оқадиган жойларида учрайди. Вилоятда кенг тарқалган.

Оила. Тувалоқлар — Дрофиные — Otididae.

Авлод. Тувалоқ — Дрофа — Otis.

965. Тур. Тўхта тувалоқ — Дрофа — Otis tarda (56-расм).

Тарқалиши. Кўҳитанг тоғи этакларидаги текисликларда, чўлларда учиб ўтиш даврида учрайди. Овлаш таъқиқланган. ТМХИ Қизил рўйхатига ва Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

966. Тур. Бизғалдоқ — Стрепет — Tetrax tetrax (57-расм).

Тарқалиши. Амударё қирғоқларига яқин бутазорли текисликларнинг чўллашган ҳудудларида, Кўҳитанг тоғи этакларидаги текисликларда, кузги экин майдонларида қишлаш вақтида учрайди. Қисқариб бораётган учиб ўтувчи тур. Овлаш таъқиқланган. ТМХИ Қизил рўйхатига ва Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур ҳисобланади.

967. Тур. Йўрға тувалоқ — Дрофа-красотка (джек) — Chlamydotis undulate.

Тарқалиши. Сурхон-Шеробод чўлининг барханли, шўрхоқ қисмларида учиб ўтиш даврида учрайди.

Оила. Йилқичилар — Авдотки — Burhinidae.

Авлод. Йилқичи — Авдотка — Burhinus.

968. Тур. Йилқичи — Авдотка — Burhinus oedicnemus.

Тарқалиши. Музработ, Шеробод, Ангор, Термиз туманлари ҳудудидаги қумли ва гипсли чўлларда сувга яқин жойларда учрайди.

Оила. Ржанкалар — Ржанковые — Charadriidae.

Авлод. Қора ёқа — Зук — Charadrius.

969. Тур. Кичик қора ёқа — Малый зук — Charadrius dubius.

Тарқалиши. Амударё қирғоқларида кенг тарқалган, уялайди, учиб кетади, кўп сонли.

970. Тур. Оқ ёқа — Морской зук — Charadrius alexandrinus.

Тарқалиши. Амударё қирғоқларида, унга яқин шўр сувли ташлама кўлларда учрайди.

Авлод. Қизқуш — Чибис — Vanellus.

971. Тур. Қизқуш — Чибис — *Vanellus vanellus*.

Тарқалиши. Амударёнинг қамишзорли, бутазорли қирғоқларида, дарёга яқин кўллар, далалар атрофидаги шўр сувли зовурлар, айрим ҳолларда сув ҳавзасидан узоқроқда ҳам учрайди.

Авлод. Сув тарғоқ — Белохвостая пигалица — *Vanellochettusia*.

972. Тур. Сув тарғоқ — Белохвостая пигалица — *Vanellochettusia leucoga*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча чўл, текислик, дашт зоналаридаги сув ҳавзаларида учрайди. Ов аҳамиятига эга, лекин амалда овланмайди.

Авлод. Ҳинд қизқуши — Украшенный чибис — *Lobivanellus*.

973. Тур. Ҳинд қизқуши — Украшенный чибис — *Lobivanellus indicus*.

Тарқалиши. Амударёнинг Термиз атрофидаги ўсимликларга бой қирғоқларида учрайди. Ноёб, учиб ўтувчи тур.

Оила. Бигизтумшуклар — Шилокловковые — *Recurvirostridae*.

Авлод. Катта қизилоёқ — Худолочник — *Himantopus*.

974. Тур. Катта қизил оёқ — Худолочник — *Himantopus himantopus*.

Тарқалиши. Вилоятнинг нотекис жойларида ва барча сув ҳавзалари атрофида учрайди.

Оила. Лойхўрақлар — Бекасовые — *Scolopacidae*.

Авлод. Балчиқчи — Улит — *Tringa*.

975. Тур. Тринга охропус — Черныш — *Tringa ochropus*.

Тарқалиши. Амударё қирғоқларидаги тўқайзорларда қиш фаслида учрайди.

976. Тур. Фифи — Фифи — *Tringa glareola*.

Тарқалиши. Амударёнинг қамишзорли ботқоқликлар, кўллардан иборат қирғоқларида қиш мавсумида учрайди.

977. Тур. Катта балчиқчи — Большой улит — *Tringa nebularia*.

Тарқалиши. Вилоятнинг текислик зонасидаги лойли, шўрхокли ва тошлоқли сув ҳавзалари қирғоқларида, Амударёнинг қамишли ботқоқлашган қирғоқлари, қирғоқ бўйи сув ҳавзаларида қишлаш вақтида учрайди.

978. Тур. Қизил оёқ балчиқчи — Травник — *Tringa totanus*.

Тарқалиши. Амударё қирғоқларида, унга яқин текисликлардаги шўр сувли кўллар, зовурларда қишлаш вақтида учрайди.

979. Тур. Қайиқчи лойхўрак — Перевозчик — *Actitis hypoleucos*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча жойида кенг тарқалган. Дарё ва кўлларнинг тошлоқ, кумлоқ қирғоқларида учиб ўтиш даврида кўп сонда учрайди.

Авлод. Мошак — Песочник — *Calidris*.

980. Тур. Чумчуқ-мошак — Кулик-воробей — *Calidris minutus*.

Тарқалиши. Вилоятнинг текисликдаги дарё ва кўлларнинг шўрхоқ, кумлоқ қирғоқларида учиб ўтиш даврида учрайди. Кўп сонли турлардан бири.

Авлод. Лойхўрак — Бекас — *Gallinago*.

981. Тур. Лойхўрак — Бекас — *Gallinago gallinago*.

Тарқалиши. Амударё қирғоқларидаги ботқоқликлар, ўтлоқлар, чўлларнинг қамишзорли тўқайларида, бугазорларда қишлайди.

Оила. Балиқчилар — Чайковые — *Laridae*.

Авлод. Ҳақиқий балиқчи — Настоящая чайка — *Larus*.

982. Тур. Кумушсимон балиқчи — Серебристая чайка — *Larus argentatus*.

Тарқалиши. Амударё қирғоқларида, унга яқин кўлларда қишлаш вақтида учрайди. Жанубий Сурхон, Оқ тепа ва Учқизил сув омборларида ҳам учрайди.

983. Тур. Оддий балиқчи, кўл балиқчиси — Озерная чайка — *Larus ridibundus*.

Тарқалиши. Амударё ва Сурхон дарёсида, сув омборларида, кўлларда қишлаш вақтида учрайди. Одатдаги тур, вилоятда кам сонли.

Авлод. Ботқоқ чигиртчиси — Болотная крачка — *Chlidonias*.

984. Тур. Оқ чаккали чигиртчи — Белошекая крачка — *Chlidonias hybrida*.

Тарқалиши. Амударё ва Сурхон дарёсида, текисликдаги сув хавзаларида, кам сувли чучук ва шўр сувли кўлларда учрайди.

Авлод. Балиқчи тумшук чигиртчи — Чайканосая крачка — *Gelochelidon*.

985. Тур. Балиқчи тумшуқ чигиртчи — Чайканосая крачка — *Gelochelidon nilotica*.

Тарқалиши. Вилоятнинг текисликларидаги дарёлар, кўллар соҳилларида, шўр ва нимшўрли сув ҳавзаларида учрайди.

Авлод. Ҳақиқий чигиртчи — Настоящая крачка — *Sterna*.

986. Тур. Кичик чигиртчи — Малая крачка — *Sterna albifrons*.

Тарқалиши. Вилоятнинг паст-текисликларидаги сув ҳавзаларда, дарёларнинг очиқ қирғоқларида, шўр сувли сув ҳавзаларида, кўлларнинг ўсимликсиз очиқ жойларида учрайди.

987. Тур. Дарё (сув) чигиртчиси — Речная крачка — *Sterna hirundo*.

Тарқалиши. Сурхон дарёси ва Амударёнинг қумли ва шағал тошли жойларида ҳамда ўт-ўланли соҳилларида, саёз сув ҳавзаларида яшайди.

Оила. Булдуруқлар — Рябковые — *Pteroclididae*.

Авлод. Булдуруқ — Рябок — *Pterocles*.

988. Тур. Қорабовур, булдуруқ — Чернобрюхий рябок — *Pterocles orientalis*.

Тарқалиши. Кўҳитанг тоғ этаклари, тоғ олди зоналари, дашт, чўлларда, гил тупроқли саҳроларда учрайди.

989. Тур. Оқбовур — Белобрюхий рябок — *Pterocles alchata* (58-расм).

Тарқалиши. Амударё ва Сурхон дарё соҳилларида, текисликларда, қумли, тупроқли ҳамда тошлоқ даштларда, галла экин майдонларида учрайди.

Оила. Каптарлар — Голубиные — *Columbidae*.

Авлод. Каптар — Голубь — *Columba*.

990. Тур. Кўк каптар — Сызий голубь — *Columba livia*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманлари ҳудудларида, тоғ ландшафтларида, чўл, даштларда, маданий ландшафтларда кенг тарқалган синантроп тур.

991. Тур. Қоя каптар — Скалистый голубь — *Columba rupestris*.

Тарқалиши. Вилоятнинг тоғларида, қояларда ва очиқ ландшафтларда ҳамда аҳоли пунктларида яшайди.

Авлод. Фуррак — Горлица — *Streptopelia*.

992. Тур. Кумри — Кольчатая горлица — *Streptopelia decaocto*.

Тарқалиши. Каптарсимонларнинг орасида кенг тарқалган турлардан бири. Синантроп тур. Вилюятнинг ҳамма жойларида учрайди.

993. Тур. Гуррак — Обыкновенная горлица — *Streptopelia turtur*.

Тарқалиши. Вилюятнинг паст-текисликларидан тортиб, тоғ олди ва тоғ зоналаригача учрайди.

994. Тур. Тоғ гурраги — Большая горлица — *Streptopelia orientalis*.

Тарқалиши. Вилюятнинг Бойсун, Шеробод, Денов, Олтинсой, Сарносиё туманларининг тоғ олди ва тоғ зоналарида учрайди.

995. Тур. Мусича — Малая горлица — *Streptopelia senegalensis*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча туманлари ҳудудларида кенг тарқалган.

Оила. Каккулар — Кукушковые — *Cuculidae*.

Авлод. Какку — Кукушка — *Cuculus*.

996. Тур. Оддий какку — Обыкновенная кукушка — *Cuculus canorus*.

Тарқалиши. Амударё, Сурхон дарёлари соҳилларида, воҳаларида, қамишзорларда учрайди.

Оила. Япалоққушлар — Совиные — *Strigidae*.

Авлод. Укки — Филин — *Bubo*.

997. Тур. Укки — Филин — *Bubo bubo*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча туманлари ҳудудларида учрайди. Асосан, текислик, дашт, чўл ва чала чўл минтақаларида тарқалган.

Авлод. Кулоқдор япалоққуш — Ушастая сова — *Asio*.

998. Тур. Кулоқдор япалоққуш — Ушастая сова — *Asio otus*.

Тарқалиши. Амударё ва Сурхон дарёлари қирғоқларидаги гўқайзорларда учрайди.

Авлод. Бойўғли — Домовый сыч — *Athene*.

999. Тур. Бойўғли — Домовый сыч — *Athene noctua*.

Тарқалиши. Хилма-хил муҳитда яшайди. Уни ҳатто чўлдан ҳам топиш мумкин. Тунги қуш. Вилюятнинг барча ҳудудларида учрайди.

Оила. Тентаққушлар — Козодоевые — *Caprimulgidae*.

Авлод. Тентаққуш — Козодей — *Caprimulgus*.

1000. Тур. Оддий тентакқуш — Обыкновенный козодой — *Caprimulgus europaeus*.

Тарқалиши. Сурхон-Шеробод чўлида, дашт зоналарида учрайди.

1001. Тур. Малла тентакқуш — Буланный козодой — *Caprimulgus aegyptius*.

Тарқалиши. Вилюятнинг чўл зоналарида учрайди, учиб келувчи тур. Тунда фаол ҳаёт кечиради.

Оила. Узунқанотлар — Стрижиные — *Apodidae*.

Авлод. Узунқанот — Стриж — *Arus*.

1002. Тур. Кичик узунқанот — Малый стриж — *Arus affinis*.

Тарқалиши. Шеробод, Бойсун, Олгинсой, Денов, Сариосиё туманларининг барча тоғли худудларида, қояларда, тупроқ қоя ва жарликларда уя қуриб яшайди.

1003. Тур. Қора узун қанот — Черный стриж — *Arus arus*.

Тарқалиши. Вилюятнинг тоғ, тоғ олди зоналари ҳамда йирик шаҳарларда учрайди.

1004. Тур. Оқ қоринли узун қанот — Белобрюхий стриж — *Arus melba*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча тоғлари, тоғ олди зоналарида учрайди.

Оила. Кўк қарғалар — Сизовороновые — *Coraciidae*.

Авлод. Кўк қарға — Сизоворонка — *Coracias*.

1005. Тур. Кўкқарға — Сизоворонка — *Coracias garrulous*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча тоғ олди худудларида, чуқур жарликлар, дарё водийларида учрайди.

Оила. Кўк тарғоқлар — Зимородковые — *Alcedinidae*.

Авлод. Кўк тарғоқ — Зимородок — *Alcedo*.

1006. Тур. Ҳаворанг кўк тарғоқ — Голубой зимородок — *Alcedo aithis*.

Тарқалиши. Сурхондарё тоғларининг д.с.б. 1200 м гача бўлган жойларида, тиниқ сувли ҳавзаларда учрайди.

Оила. Куркунаклар — Щурковые — *Meropidae*.

Авлод. Куркунак — Щурка — *Merops*.

1007. Тур. Тилла ранг куркунак — Золотистая щурка — *Merops apiaster*.

Тарқалиши. Вилюят барча туманларининг тоғ олди, ярим чўллар ва Саландлиги 2000 м гача бўлган тоғларда учрайди. Дарё водийлари, гил тупроқли ва қумли чўлларда кам учрайди.

1008. Тур. Кўк куркунак, бўздоқ — Зеленая щурка — *Merops superciliosus*.

Тарқалиши. Амударё, Сурхон дарёлари водийларида, тўқайзорларда учрайди.

Оила. Сассиқпопишаклар — Удодовые — *Urupidae*.

Авлод. Сассиқпопишак — Удод — *Urupa*.

1009. Тур. Сассиқпопишак — Удод — *Urupa erops*.

Тарқалиши. Вилюятнинг ҳамма туманларида, дарё водийлари, тоғ олди ва тоғ зоналари, текисликларда учрайди.

Оила. Қизилиштонлар — Дятловые — *Pocidae*.

Авлод. Олачипор қизилиштон — Пестрый дятел — *Dendrocopos*.

1010. Тур. Оқ қанот қизилиштон — Белокрылый дятел — *Dendrocopos leucopterus*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча туманларида, тўқайзорларда, богларда, хиёбонларда, тоғ ўрмонларида учрайди.

Оила. Сўфи тўрғайлар — Жаворонковые — *Alaudidae*.

Авлод. Сўфи тўрғайлар — Хохлатый жаворонок — *Galerida*.

1011. Тур. Сўфи тўрғай — Хохлатый жаворонок — *Galerida cristata*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча текисликларида ва яйловларида, дарё атрофидаги экинзорларда учрайди. Қумли чўллар ва воҳаларда ўтроқ ҳолда яшайди. Кенг тарқалган тур.

Авлод. Чўл тўрғайлари — Пустынный жаворонок — *Ammomanes*.

1012. Тур. Чўл тўрғайи — Пустынный жаворонок — *Ammomanes deserti*.

Тарқалиши. Амударё, Сурхон, Шеробод дарёлари атрофидаги тўқайзорларда, далаларда ва адирларда кўплаб учрайди.

Авлод. Кичик тўрғайлар — Малый жаворонок — *Calandrella*.

1013. Тур. Кичик тўрғай — Малый жаворонок — *Calandrella cinerea*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча текислик зоналарида ва далаларда кенг тарқалган.

1014. Тур. Ингичка тумшукли тўрғай — Тонкокловый жаворонок — *Calandrella acutirostris*.

Тарқалиши. Кўҳитанг тоғининг чуққилирида учрайди. Уя қурувчи, учиб кетувчи тур ҳисобланади.

Авлод. Дашт тўрғайлари — Степной жаворонок — *Melanocorypha*.

1015. Тур. Дашт тўрғайи — Степной жаворонок — *Melanocorypha calandra*.

Тарқалиши. Шеробод туманида январ ойида учрайди.

1016. Тур. Қўш холли тўрғай, жўр — Двупятнистый жаворонок — *Melanocorypha bimaculata*.

Тарқалиши. Боботоғ ва Кўҳитанг тоғларининг олдинги қисмларида кўп сонда уя қурувчи тур ҳисобланади.

Авлод. Шохли тўрғайлар — Рогатый жавороноки — *Eremophila*.

1017. Тур. Шохли тўрғай — Рогатый жаворонок — *Eremophila alpestris*.

Тарқалиши. Шерободдарё соҳилида қиш фаслида учрайди.

Авлод. Дала тўрғайлари — Полевой жаворонок — *Alauda*.

1018. Тур. Кичик дала тўрғайи — Малый полевой жавороноки — *Alauda gulula*.

Тарқалиши. Шерободдарё қирғоқларидан Сурхондарё қирғоқларигача бўлган ҳудудда тарқалган. Кам сонда, кенг тарқалган тур.

Оила. Қалдирғочлар — Ласточковые — *Hirundinidae*.

Авлод. Қирғоқ қалдирғочлари — Береговая ласточка — *Riparia*.

1019. Тур. Қирғоқ қалдирғочи — Береговая ласточка — *Riparia riparia*.

Тарқалиши. Жанубий Сурхон сув омбори ва Термиз шаҳрида ҳамда Амударё қирғоқларида учрайди.

1020. Тур. Кичик қалдирғоч — Малая ласточка — *Ripariapaludicola*.

Тарқалиши. Уя қуриб, учиб кетувчи тур. Сурхондарё қирғоқларидаги жарликларда учрайди.

Авлод. Тоғ қалдирғочлари — Горные ласточки — *Ptyonoprogne*.

1021. Тур. Тоғ қалдирғочи — Скальная ласточка — *Ptyonoprogne rupestris*.

Тарқалиши. Уя курувчи, кузда учиб кетувчи тур. Кўҳитанг, Бойсунтоғ ва Боботоғнинг қояларида ҳамда чуққиларида яшайди.
Авлод. Қалдирғоч — Касатка — *Hirundo*.

1022. Тур. Қишлоқ қалдирғочи — Деревенская ласточка — *Hirundo rustica*.

Тарқалиши. Уя курувчи ва учиб кетувчи қуш. Маълум ва кенг тарқалган тур. Вилоятнинг ҳамма жойида учрайди.

1023. Тур. Ипдум қалдирғоч — Нитехвостая ласточка — *Hirundo smithii*.

Тарқалиши. Сурхондарё, Шерободдарё, Қорасув дарёси қирғоқларида учрайди. Денов, Бойсун туманларида уя куради.

1024. Тур. Туя қалдирғоч — Рыжепоясничная ласточка — *Hirundo daurica*.

Тарқалиши. Сурхондарё, Шерободдарё сув ҳавзаларида, шунингдек, Кўҳитанг, Боботоғда учрайди. Уя курувчи ва учиб кетувчи қуш.

Авлод. Шаҳар қалдирғочлари — Городские ласточки — *Delichon*.

1025. Тур. Шаҳар қалдирғочи — Городская ласточки — *Delichon urbica*.

Тарқалиши. Кенг тарқалган тур. Бойсун, Шеробод туманларида ва Боботоғ, Кўҳитанг тоғларида ҳам учрайди.

Оила. Жиблажибонлар — Трясогузковые — *Motacillidae*.

Авлод. Йилқичи — Конёк — *Anthus*.

1026. Тур. Дала йилқичиси, дала йўрға тўрғайи — Полевой конёк — *Anthus campestris*.

Тарқалиши. Тоғ олди ва тоғ дашт зоналарида тарқалган. Кўҳитангда, Шеробод, Бойсун туманларида учрайди.

1027. Тур. Ўрмон йилқичиси — Лесной конёк — *Anthus trivialis*.

Тарқалиши. Вилоятнинг Термиз, Ангор, Музработ ва Шеробод туманларида учрайди.

1028. Тур. Йилқичи — Луговой конёк — *Anthus pratensis*.

Тарқалиши. Вилоятнинг жанубида, Термиз шаҳри атрофида учраши қайд этилган.

Авлод. Жиблажибон — Трясогузка — *Motacilla*.

1029. Тур. Қора бошли жиблажибон — Черноголовая трясогузка — *Motacilla felaegg*.

Тарқалиши. Шеробод туманидаги Хитой кўлида ва Амударёнинг Термиз яқинидаги қирғоқларида учрайди.

1030. Тур. Сарик пешонали жиблажибон — Желтолобая трясогузка — *Motacilla lutea*.

Тарқалиши. Термиз атрофида учиб ўтиш даврида учрайди.

1031. Тур. Сарикбошли жиблажибон — Желтоголовая трясогузка — *Motacilla citreola*.

Тарқалиши. Учиб ўтиш даврида, март-апрель ойларида вилоятнинг барча туманларидаги текислик зоналарида учрайди.

1032. Тур. Тоғ жиблажибони — Горная трясогузка — *Motacilla cinerea*.

Тарқалиши. Вилоятнинг ҳамма туманларида ва тоғли зоналарда учрайди.

1033. Тур. Оқ жиблажибон — Белая трясогузка — *Motacilla alba*.

Тарқалиши. Эрта баҳорда Сурхон дарёси ва Шерободдарё ҳавзаларида, Шеробод туманидаги Хитой кўли атрофида учрайди.

1034. Тур. Ниқобли жиблажибон — Маскированная трясогузка — *Motacilla personata*.

Тарқалиши. Баҳор ойларида учиб ўтиш вақтида вилоятнинг барча туманларида текислик зоналарида учрайди.

Оила. Қарқуноқлар — Сорокопуг — *Laniidae*.

Авлод. Қарқуноқ — Сорокопуг — *Lanius*.

1035. Тур. Малладум жулан — Рыжехвостый жулан — *Lanius isabellinus*.

Тарқалиши. Шеробод тумани худудида учрайди.

1036. Тур. Узун думли қарқуноқ — Длиннохвостый сорокопуг — *Lanius schach*.

Тарқалиши. Учиб ўтувчи, уя қурувчи тур. Вилоятдаги боғларда, хиёбонларда, аҳоли пунктларида, дарё ҳавзаларида учрайди. Бойсунтоғда, Кўхитангда уя қуради. Вилоятнинг барча туманларида учрайди.

1037. Тур. Қорапешонали қарқуноқ — Чернолобуй сорокопут — *Lanius minor*.

Тарқалиши. Тоғ ва тоғ олди зоналарида учрайди. Кузги учиб ўтиш даврида ҳатто Термиз атрофида ҳам учрайди. Вилоятнинг барча тоғ олди туманларида уни кўриш мумкин.

1038. Тур. Кулранг қарқуноқ, бўз қарқуноқ — Серый сорокопут — *Lanius exubitor*.

Тарқалиши. Қишлаш вақтида Амударё ва Сурхон дарёси ҳавзаларида учрайди. Кенг тарқалган турлардан бири.

Оила. Зарғалдоқлар — Иволги — *Oriolidae*.

Авлод. Зарғалдоқ — Иволга — *Oriolus*.

1039. Тур. Зарғалдоқ — Обыкновенная иволга — *Oriolus oriolus*.

Тарқалиши. Учиб ўтиш даврида учрайди. Кўхитангда, Бойсун тоғида, Тўпаланг ва Сангардак дарёларининг юқори оқимида ҳамда Сариосиё, Денов, Ангор туманларида учрайди.

Оила. Чуғурчуқлар — Скворцовые — *Sturnidae*.

Авлод. Ҳақиқий чуғурчуқ — Настоящий скворец — *Sturnus*.

1040. Тур. Чуғурчуқ қораялоқ — Обыкновенный скворец — *Sturnus vulgaris*.

Тарқалиши. Текисликлар ва тоғ олди зоналарида учрайди. Вилоятнинг ҳамма туманларида тарқалган.

1041. Тур. Соч — Розовый скворец — *Sturnus roslus*.

Тарқалиши. Боботоғда, Бойсунтоғда, Кўхитанг тоғларида учрайди. Уя қуради (тоғларда), кўчиб ўтади (текисликлар).

Авлод. Майна — Майна — *Acridotheres*.

1042. Тур. Майна — Майна — *Acridotheres tristis*.

Тарқалиши. Вилоятнинг ҳамма худудларида учрайди. Кенг тарқалган тур.

Оила. Қарғалар — Врановые — *Corvidae*.

Авлод. Зағизғон — Сорока — *Pica*.

1043. Тур. Зағизғон, ҳакка — Сорока — *Pica pica*.

Тарқалиши. Вилоятнинг ҳамма худудларида учрайди.

Авлод. Клушица — Клушица — *Puffinorax*.

1044. Тур. Клушица — Клушица — *Puffinorax puffinorax*.

Тарқалиши. Кўҳитанг, Бойсунтоғ тоғларида учрайди. Ўтроқ тур.

1045. Тур. Альп зағчаси — Альпийская галка — *Pyrrhocorax graculus*.

Тарқалиши. Бойсунтоғ, Кўҳитанг ва Боботоғ тоғларида ва тоғ олди зоналарда учрайди.

Авлод. Қарға — Ворон — *Corvus*.

1046. Тур. Зағча — Галка — *Corvus monedula*.

Тарқалиши. Кенг тарқалган турлардан бири. Сурхон дарёси ва Шерободдарё водийсида, Бойсунтоғ, Боботоғда учрайди.

1047. Тур. Гўнг қарға — Грач — *Corvus frugilegus*.

Тарқалиши. Кенг тарқалган тур. Вилоятнинг ҳамма туманларида учрайди.

1048. Тур. Қора қарға — Черная ворона — *Corvus corone*.

Тарқалиши. Кўҳитанг, Бойсунтоғ ҳамда Тўпаланг ва Сангардак дарёларининг юқори оқимларида уя қуради. Вилоятнинг ҳамма туманларида учрайди.

1049. Тур. Ола қарға — Серая ворона — *Corvus cornix*.

Тарқалиши. Қишлоқчи тур, қишлоқ вақтида вилоятнинг барча худудларида учрайди.

1050. Тур. Кузғун — Ворон — *Corvus corax*.

Тарқалиши. Кенг тарқалган тур. Бойсунтоғ, Боботоғ ҳамда Сурхон дарёси ва Шерободдарё атрофларида учрайди.

Оила. Булбуллар — Бюльбюлевые — *Rusponotidae*.

Авлод. Булбул — Бюльбюль — *Rusponotus*.

1051. Тур. Оқ жағ булбул — Белошекий буль-буль — *Rusponotus leucogenus*.

Тарқалиши. Жарқўрғон, Термиз туманлари худудида қайд этилган. Кам сонли тур.

Оила. Сув чумчуқлар — Оляпковые — *Cinclidae*.

Авлод. Сув чумчуқ — Оляпка — *Cinclus*.

1052. Тур. Сув чумчуқ — Оляпка — *Cinclus cinclus*.

Тарқалиши. Вилоятнинг текислик зоналари ва Бойсунтоғ, Кўҳитанг тоғларида ҳам учрайди.

Оила. Бигиз тумшукдилар — Крапивниковые — Troglodytidae.
Авлод. Бигиз тумшук — Крапивник — Troglodytes.

1053. Тур. Қичитқон — Крапивник — Troglodytes troglodytes.

Тарқалиши. Юқори тоғ зоналарида ўтроқ ҳолда яшовчи тур. Бойсунтоғда, Кўҳитангда, Сурхон воҳасида қишлайди. Амударё атрофида, Сурхон-Шеробод водийсида, Пайғамбар оролида учрайди.

Оила. Завирушкалар — Завирушковые — Prunellidae.

Авлод. Завирушка — Завирушка — Prunella.

1054. Тур. Альп завирушкиси — Альпийская завирушка — Prunella collaris.

Тарқалиши. Кам сондаги, юқори тоғларда уя курувчи тур. Бойсунтоғ ҳамда Боботоғда учрайди.

1055. Тур. Ҳимолай завирушкиси — Гималайская завирушка — Prunella himalayana.

Тарқалиши. Бойсунтоғда учрайди.

1056. Тур. Оқиш завирушка — Бледная завирушка — Prunella fulvescens.

Тарқалиши. Вилоятда фақат Помир-Олай тизмасининг Бойсун тоғида учрайди.

1057. Тур. Қоратомоқли завирушка — Черногорлая завирушка — Prunella atrogularis.

Тарқалиши. Кўҳитанг, Боботоғ, Ҳисор тоғларида тоғ олди зоналарида, Амударё, Сурхон ва Тўпаланг дарёлари қирғоқларида, боғлар ва ўрмонзорларда учрайди.

Оила. Мойқутлар — Славковые — Sylviidae.

Авлод. Кенг дум — Широкохвостка — Cettia.

1058. Тур. Кенг думли тўқай чумчуқ — Широкохвостая камышёвка — Cettia cetti.

Тарқалиши. Амударё, Шерободдарё ва Сурхон дарёлари бўйидаги тўқайзорларда уялайди ва қишлайди.

Авлод. Тўқайчумчуқ — Камышёвка — Acrocephalus.

1059. Тур. Ҳинд тўқай чумчуғи — Индийская камышёвка — Acrocephalus agricola.

Тарқалиши. Амударё, Шерободдарё ва Сурхон дарёлари бўйларидаги бутазорли тўқайларда, Термиз, Шеробод ва Бойсун туманларидаги каналлар атрофидаги, Кўҳитанг тоғи этакларида учрайди.

1060. Тур. Боғ тўқай чумчуғи — Садовая камышевка — *Acrocephalus dumetorum*.

Тарқалиши. Сурхондарёда кенг тарқалган. Ҳамма туманларнинг тоғ ва тоғ олди зоналарида, дарё ҳамда кўллар атрофидаги тўқайзорларда, бутазорларда учрайди.

1061. Тур. Туркистон тўқай чумчуғи — Туркестанская камышевка — *Acrocephalus stentoreus*.

Тарқалиши. Амударё, Шерободдарё ва Сурхон дарёлари атрофидаги бутазорлар, тўқайлар, боғлар ҳамда тоғ ва тоғ олди зоналарида яшайди.

Авлод. Кургалак — Перемешки-бормотушки — *Hippolais*.

1062. Тур. Жануб кургалаги — Южная бормотушка — *Hippolais gata*.

Тарқалиши. Вилоятнинг тоғ ва тоғ олди зоналарида, дарёлар қирғоқлари, тўқайзорларда яшайди.

1063. Тур. Катта кургалак — Бледная перемешка — *Hippolais pallida*

Тарқалиши. Вилоятдаги дарё ва кўлларнинг соҳилларида, қамишзорли тўқайларда, тоғ ва тоғ олди зоналарда яшайди.

1064. Тур. Чўл кургалаги — Пустынная перемешка — *Hippolais languida*.

Тарқалиши. Боботоғ тоғида, бутазорли жойларда учрайди.

Авлод. Мойкут — Славка — *Sylvia*.

1065. Тур. Сайроқи мойкут — Певчая славка — *Sylvia hortensis*.

Тарқалиши. Кўҳитанг, Помир-Олой тизмасининг Бойсунтоғ қисмида уя қуриб яшайди.

1066. Тур. Кулранг мойкут — Серая славка — *Sylvia communis*.

Тарқалиши. Сурхон дарёси воҳасида ва Кўҳитанг тоғида учрайди.

1067. Тур. Завирушка мойкут — Славка-завирушка — *Sylvia curruca*.

Тарқалиши. Амударё ва Сурхон дарёси соҳилларида, Боботоғ, Кўҳитанг тоғларида учрайди.

1068. Тур. Тоғ мойкути — Горная славка — *Sylvia althaea*.
Тарқалиши. Кўҳитанг ва Бойсун тоғларида учрайди.

1069. Тур. Чўл мойкути — Пустынная славка — *Sylvia nana*.
Тарқалиши. Шерободдарё ва Сурхон дарёлари соҳилларидаги чўл зоналарида учрайди.

Авлод. Пеночка — Пеночка — *Phylloscopus*.

1070. Тур. Пеночка-теньковка — Пеночка-теньковка — *Phylloscopus collybita*.

Тарқалиши. Сурхон дарёсининг қуйи оқими, Термиз атрофида, Шеробод водийсида, Кўҳитанг, Бойсун тоғларидаги арчазорларгача бўлган жойларда учрайди.

1071. Тур. Эрон пеночкаси — Иранская пеночка — *Phylloscopus neglectus*.

Тарқалиши. Кўҳитанг, Бойсунтоғ ва Боботоғ тоғларида ва Шерободдарёсининг юқори оқимида учрайди.

1072. Тур. Сарик қоринли пеночка — Желтобрюхая пеночка — *Phylloscopus nitidus*.

Тарқалиши. Кўҳитанг, Бойсунтоғ тоғларида учрайди.

1073. Тур. Пеночка зарничка — Пеночка зарничка — *Phylloscopus inornatus*.

Тарқалиши. Сангардак дарёсининг юқорисида, Кўҳитанг тоғида, қишлаш вақтида Сурхон дарёсининг қуйи оқимида учрайди.

1074. Тур. Ҳинд пеночкаси — Индийская пеночка — *Phylloscopus griseolus*.

Тарқалиши. Шеробод туманининг юқори зонасида, Боботоғда учрайди.

Авлод. Ўйноқи мойкут — Вертячая славка — *Scotocerca*.

1075. Тур. Жиқ-жиқ — Скотоцерка — *Scotocerca inguieta*.

Тарқалиши. Ўтроқ куш, Сурхон дарёсининг қуйи оқимларида, Кўҳитанг билан Боботоғ орасида кўплаб учрайди. Бойсун тоғи атрофидаги Сайроб, Даҳнажом, Хўжабулғон қишлоқларида учраши ҳам қайд этилган.

Оила. Королеклар — Коральковые — *Regulidae*.

Авлод. Королек — Королек — *Regulus*.

1076. Тур. Сарик бошли королек — Желтоголовый королек — *Regulus regulus*.

Тарқалиши. Шеробод туманида сунъий дарахтзорлар ва Сурхон дарёсининг ҳавзаларидаги бутазорлар орасида қишлаш учун келган индивидларни учратиш мумкин.

Оила. Пашшаҳурлар — Мухоловковые — *Muscicapidae*.

Авлод. Жаннат пашшаҳури — Райская мухоловка — *Terpsiphone*.

1077. Тур. Жаннат пашшаҳури (думпараст) — Райская мухоловка — *Terpsiphone paradisi*.

Тарқалиши. Вилютнинг тоғ олди зоналарида, Олтинсой туманидаги Вахшивор қишлоғи ҳамда Кўхитанг тоғи атрофидаги Вандоб қишлоғида учрайди.

Авлод. Пашшаҳур — Мухоловка — *Muscicapa*.

1078. Тур. Кулранг пашшаҳур — Серая мухоловка — *Muscicapa striata*.

Тарқалиши. Бойсун, Ҳисор, Кўхитанг тоғларининг баргли ўрмонларида учрайди.

1079. Тур. Қизғиш думли пашшаҳур — Рыжехвостая мухоловка — *Muscicapa ruficauda*.

Тарқалиши. Кам сонда учрайди. Кўхитанг тоғи этакларидаги дарахтзорларда учрайди.

Оила. Шақшақлар — Дроздовые — *Turdidae*.

Авлод. Сирчумчуқ — Чекан — *Saxicola*.

1080. Тур. Қора бошли сирчумчуқ — Черноголовый чекан — *Saxicola torquata*.

Тарқалиши. Кўхитанг тоғи этакларида кенг тарқалган.

1081. Тур. Қора сирчумчуқ — Черный чакан — *Saxicola caprata*.

Тарқалиши. Амударёнинг сув ҳавзалари ўзгармайдиган тўқайзорларида учрайди.

Авлод. Тошсирчумчуқ — Каменка — *Oenanthe*.

1082. Тур. Оддий тошсирчумчуқ — Обыкновенная каменка — *Oenanthe oenanthe*.

Тарқалиши. Чўл, тоғ олди, тоғ, тоғнинг юқори чўққиларида ҳамда қуруқ ўтлар, буталар ва дарахтзорлар орасида учрайди.

1083. Тур. Қора тошсирчумчуқ — Черная каменка — *Oenanthe picata*.

Тарқалиши. Кўҳитанг тоғида ва унинг этакларидаги кенг баргли дарахтзорларда учрайди.

1084. Тур. Қора бўйинли тошсирчумчуқ — Черношейная каменка — *Oenanthe finschii*.

Тарқалиши. Кўҳитанг тоғи атрофларида учрайди.

1085. Тур. Чўл тошсирчумчуғи — Пустынная каменка — *Oenanthe deserti*.

Тарқалиши. Кумли, гипсли дашт зоналари ва тоғ олди дашт зоналарида учрайди.

Авлод. Тош шақшақ — Каменный дрозд — *Monticola*.

1086. Тур. Олатош шақшақ — Пестрый каменный дрозд — *Monticola saxatilis*.

Тарқалиши. Вилоятнинг тоғ зоналарида денгиз сатҳидан 500—600 метрдан 3000 м баландликгача бўлган жойларда учрайди.

1087. Тур. Кўктош шақшақ — Синий каменный дрозд — *Monticola solitarius*.

Тарқалиши. Фақат тоғ зоналарида учрайди. Кўҳитанг, Помир-Олой, Боботоғ тоғларида учрайди.

Авлод. Ҳимолай қизил куйруғи — Гималайская горихвостка — *Chaimagornis*.

1088. Тур. Сув қизил куйруғи — Водяная горихвостка — *Chaimagornis leucocerphala*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча тоғларида, сойларида, дарёларнинг қояли соҳилларида ўтроқ ҳолда яшайди.

Авлод. Қизил куйруқ — Горихвостка — *Phoenicurus*.

1089. Тур. Қора қизил куйруқ — Горихвостка чернушка — *Phoenicurus ochruros*.

Тарқалиши. Вилоятдаги барча тоғларнинг қояли ландшафтларида, тошли иморатларида яшайди.

Авлод. Булбул — Соловей — *Luscinia*.

1090. Тур. Жануб булбули — Южный соловей — *Luscinia megarhynchos*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча жойида тарқалган. Асосан, кенг баргли тоғ ўрмонлари, бутазорлар, боғлар ҳамда хиёбонларда учрайди. Тоғ ва тоғ олди зоналарида кўп сонда учрайди.

1091. Тур. Варакушка — Варакушка — *Luscinia svecica*.

Тарқалиши. Учиб ўтувчи тур. Учиб ўтиш даврида вилюятнинг барча текисликдаги дарёлари соҳилларида учратиш мумкин.

Авлод. Оқ томоқли булбул — Соловей белошейка — *Irania*.

1092. Тур. Оқ томоқли булбул — Соловей-белошейка — *Irania gutturalis*.

Тарқалиши. Вилюятнинг тоғли районларида, қуруқ қояли, буталар билан қопланган тоғларда фақат учиб ўтиш даврида учрайди.

Авлод. Шақшақ — Дрозд — *Turdus*.

1093. Тур. Олашақшақ — Рябинник — *Turdus pilaris*.

Тарқалиши. Қишловчи тур. Қишлаш вақтида вилюятнинг дарёлари атрофидаги тўқайларда, боғларда, тоғ олди зоналарда, сойлардаги бутазорларда учрайди.

1094. Тур. Қорашақшақ — Черный дрозд — *Turdus merula*.

Тарқалиши. Ўтроқ тур. Боғлар, хиёбонлар, дарёларнинг соҳилларидаги бутазорларда, тўқайзорларда, узумзорларда, кенг баргли тоғ ўрмонларида учрайди.

1095. Тур. Бўзшақшақ — Дряба — *Turdus viscivorus*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча тоғли зоналаридаги ўрмонларда, бутазорларда, сой ва тоғ дарёлари бўйларида яшайди.

Авлод. Кулранг куш — Синяя птица — *Myorhonus*.

1096. Тур. Тоғ майнаси — Синяя птица (лиловый дрозд) — *Myorhonus caeruleus*.

Тарқалиши. Типик тоғ куши. Тоғ дарёлари, сойлар ва шаршаралар атрофида яшайди. Вилюятнинг барча тоғларида учрайди.

Оила. Читтаклар — Синициевые — *Paradidae*.

Авлод. Инуя — Ремез — *Remiz*.

1097. Тур. Инуя — Обыкновенный ремез — *Remiz pendulinus*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча туманларидаги кенг баргли ўрмонлар, сув ҳавзаларининг атрофидаги бутазорлар, қамишли тўқайзорларда учрайди.

Авлод. Читтак — Синица — *Parus*.

1098. Тур. Бухоро читтаги — Бухарская синица — *Parus bocharensis*.

Тарқалиши. Вилоятнинг баланд тоғларидан ташқари, бошқа ҳамма жойларида кенг тарқалган. Барча сув ҳавзалари бўйлари, боғлар каби хилма-хил биотопларда учрайди.

Оила. Фотма-чумчуқлар — Поползневые — *Sittidae*.

Авлод. Фотма-чумчуқ — Поползень — *Sitta*.

1099. Тур. Катта қоя фотма-чумчуғи — Большой скалистый поползень — *Sitta tephronota*.

Тарқалиши. Вилоятнинг тоғли районларида тоғларнинг қояларида уя қуриб яшайди. Ўтроқ тур.

Авлод. Қизилқанот — Стенолаз — *Tichodroma*.

1100. Тур. Қизил қанот — Стенолаз — *Tichodroma muraria*.

Тарқалиши. Вилоятдаги ҳамма тоғларда учрайди. Тоғларнинг юқори қисмидаги қояларда яшайди. Қишда бироз дарё воҳаларига кўчиб юради.

Оила. Пишчухалар — Пищуховые — *Certhidae*.

Авлод. Пишчуха — Пищуха — *Certhia*.

1101. Тур. Оддий пишчуха — Обыкновенная пишуха — *Certhia familiaris*.

Тарқалиши. Вилоятдаги текисликларда, тоғ зоналаридаги бутазорларда, дарахтзорларда кенг тарқалган. Ўтроқ ва кўчиб юрувчи тур.

1102. Тур. Ҳимолай пишчухаси — Гималайская пишуха — *Certhia himalayana*.

Тарқалиши. Вилоятнинг ҳамма тоғли туманларида тарқалган. Тоғлардаги арчазорларда яшайди. Ўтроқ ва кўчиб юрувчи тур.

Оила. Тўқимачилар, чумчуқлар — Воробьиные — *Passeridae*.

Авлод. Чумчуқ — Воробей — *Passer*.

1103. Тур. Уй чумчуғи — Домовый воробей — *Passer domesticus*.

Тарқалиши. Синантроп тур. Маданий ландшафтда кенг тарқалган. Кўп сонли, ўтроқ тур. Вилоятнинг барча туманларида учрайди.

1104. Тур. Ҳинд чумчуғи — Индийский воробей — *Passer indicus*.

Тарқалиши. Кўп сонли, кенг тарқалган тур. Вилоятнинг барча жойларида учрайди. Қишда бир қисми қишлаш учун учиб кетади.

1105. Тур. Қора тўш чумчуқ, испан чумчуғи — Черногрудый воробей — *Passer hispaniolensis*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча маданий ландшафтларида, аҳоли пунктларида, шаҳарларида учрайди. Кўп сонли, учиб кетувчи, кўчиб юривчи тур.

1106. Тур. Дала чумчуғи — Полевой воробей — *Passer montanus*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча жойида учрайди. Асосан маданий ландшафтларда кенг тарқалган.

Авлод. Тош чумчуқ — Каменный воробей — *Petronia*.

1107. Тур. Тош чумчуқ — Каменный воробей — *Petronia petronia*.

Тарқалиши. Тоғларда, чўлларда, буталар ва ўсимликлар кам учрайдиган жойларда яшайди. Вилюятнинг Бойсун, Олтинсой, Шеробод, Денов, Сариосиё каби туманларида тарқалган.

Авлод. Саъвалар — Щеглы — *Carduelis*.

1108. Тур. Қорабош саъва — Черноголовый щегол — *Carduelis carduelis*.

Тарқалиши. Вилюятнинг кенг баргли тоғ ўрмонларида, боғларида ва хиёбонларида учрайди.

Авлод. Чечетка — Чечетка — *Acanthis*.

1109. Тур. Тоғ чечеткаси — Горная чечетка — *Acanthis flavirostris*.

Тарқалиши. Вилюятнинг барча тоғларида субальп ва альп ўтлоқларида учрайди.

Авлод. Тоғ вьюроги — Горный вьюрок — *Leucosticte*.

1110. Тур. Ҳимолай вьюроги — Гималайский вьюрок — *Leucosticte nemoralis*.

Тарқалиши. Вилюятнинг баланд тоғларидаги субальп ва альп ўтлоқларида учрайди.

1111. Тур. Марварид вьюрок — Жемчужный вьюрок — *Leucosticte brandti*.

Тарқалиши. Вилюятнинг Боботоғ ва Помир-Олой тоғ тизмасининг Узун, Сариосиё, Денов туманларидаги ҳудудларида учрайди.

Авлод. Чўл вьюроги — Пустынный вьюрок — *Rhodospiza*.

1112. Тур. Чўл вьюроги — Буланый вьюрок — *Rhodospiza obsoleta*.

Тарқалиши. Вилюятнинг Шеробод, Музработ, Бандихон туманларида ва Боботоғ тоғ тизмасида учрайди.

Авлод. Қизил бош — Чечевица — *Carpodacus*.

1113. Тур. Оддий қизил бош чумчуқ — Обыкновенный чечевица — *Carpodacus erythrinus*.

Тарқалиши. Учиб кетувчи тур. Вилоятнинг барча тоғ зоналарида учрайди.

Авлод. Болтатумшуқ — Дубонос — *Coccothraustes*.

1114. Тур. Болтатумшуқ — Обыкновенный дубонос — *Coccothraustes coccothraustes*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча тоғларидаги арчазор, ёнғоқзор, бодомзорли, қуруқ, иссиқ ўрмонларда учрайди.

Авлод. Марказий осие болтатумшуғи — Центральноазиатский дубонос — *Muscrobas*.

1115. Тур. Арчазор болтатумшуғи — Арчовый дубонос — *Muscrobas carni pes*.

Тарқалиши. Асосан, вилоят тоғ арчазорларида учрайди. Қишда қисман баргли ўрмонлар, бутазорлар, дарахтзорлардан ташкил топган маданий ландшафтларга кўчиб ўтади.

Оила. Деҳқончумчуқлар — Овсянковые — *Emberizidae*.

Авлод. Деҳқончумчуқ — Овсянка — *Emberiza*.

1116. Тур. Тарихқўр деҳқончумчуқ — Просьянка — *Emberiza calandra*.

Тарқалиши. Вилоятнинг тоғ ва текисликларида кенг тарқалган.

1117. Тур. Стюарт деҳқончумчуғи — Овсянка Стюарта — *Emberiza stewarti*.

Тарқалиши. Вилоятнинг тоғли худудларидаги буталар ва дарахтзорлар орасида учрайди.

1118. Тур. Тоғ деҳқончумчуғи — Горная овсянка — *Emberiza cia*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча тоғларида очик, ўсимликлар кам учрайдиган жойларида учрайди.

1119. Тур. Тўқай деҳқончумчуғи — Тростниковая овсянка — *Emberiza schoeniclus*.

Тарқалиши. Вилоятнинг хилма-хил сув ҳавзалари атрофидаги бутазорлар, қамишзорлар ва тўқайзорларда кўп сонда учрайди.

1120. Тур. Сарик деҳқончумчуқ — Желчная овсянка — *Emberiza bruniceps*.

Тарқалиши. Учиб ўтувчи тур. Вилюятнинг барча тоғли худудларидаги очик чўлларда, бугазорлар, дарахтзорларда учрайди.

СУТ ЭМИЗУВЧИ ҲАЙВОНЛАР

Оила. Типратиканлар — Ежовые — *Erinaceidae*.

Авлод. Типратиканлар — Ежи — *Erinaceus*.

1121. Тур. Кулоқдор типратикан — Ушастый ёж — *Hemiechinus auritus*.

Тарқалиши. Термиз, Жарқўрғон, Кумқўрғон, Ангор Музработ, Шеробод ва Бойсун туманларининг тупроқли даштлари, тоғ этаклари ва воҳаларида ҳамда текисликларида тарқалган. Арэали кенг тур ҳисобланади.

Оила. Ерқазарлар — Землеройковые — *Soricidae*.

Авлод. Кўптишли оқтишлилар — Многозубые белозубки — *Suncus*.

1122. Тур. Митти оқтиш — Многозубка малютка — *Suncus etruscus*.

Тарқалиши. Амударё ва Сурхон дарёлари атрофидаги тўқайзорларда ҳамда унинг атрофидаги кумлоқ жойларда тарқалган. Кам сонда, якка ҳолда учрайди.

Оила. Силлиқ бурунли кўршапалаклар — Гладконосые летучие мыши — *Vespertilionidae*.

Авлод. Ўқ кулоқлар — Стрелоухи — *Otonycteris*.

1123. Тур. Оқ қоринли ўқ кулоқ — Белобрюхий стрелоух — *Otonycteris hemprichi* (59-расм).

Тарқалиши. Кўҳитанг тоғининг этакларидан, токи д. с. 1000 метр баландликкача бўлган ерларда тарқалган. Якка ҳолда ёки 3—7 та бўлиб, кичик гуруҳни ҳосил қилиб яшайди. Заиф, табиатан камёб, локал тарқалган, ўтроқ тур. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Авлод. Негопирлар — Негопыры — *Vespertilio*.

1124. Тур. Митти нетопир — Негопырь карлик — *Pipistrellus pipistrellus*.

Тарқалиши. Термиз, Жарқўрғон, Ангор, Кумқўрғон, Шўрчи ва Шеробод туманларининг текислик зоналарида бир нечта ўнтадан колония ҳолда учрайди.

Оила. Тақабурунлилар — Подковоносые — *Rhinolophidae*.

Авлод. Тақабурунлар — Подковоносые — *Rhinolophus*.

1125. Тур. Катта тақабурун — Большой подковонос — *Rhinolophus ferrumequinum*.

Тарқалиши. Кўхитанг тоғи этакларида ҳамда Шеробод, Ангор ва Термиз туманларидаги текисликларда учрайди. Ареали унча кенг бўлмаган тур.

Авлод. Қат-қат лаблилар — Складчатогубы — *Tadarida*.

1126. Тур. Кенг қулоқли қат-қат лаб — Широкоухий складчатогуб — *Tadarida teniotis* (60-расм).

Тарқалиши. Боботоғ этакларида ҳамда денгиз сатҳидан 3000 метргача бўлган баландликларда колония ҳолда учрайди. Битта колонияда 20—30 та индивидлар бўлади. Яшаш жойларининг бузилиши натижасида турлар сони камайиб кетган. Ҳозирда Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Оила. Куёнлар, товушқонлар — Зайцевые — *Leporidae*.

Авлод. Куёнлар — Зайцы — *Lepus*.

1127. Тур. Кум куён, кум товушқон — Заяц — толай — *Lepus capensis*.

Тарқалиши. Термиз, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Ангор, Шеробод, Музработ туманларининг текисликларида ва тўқайларида кам сонда учрайди.

Оила. Олмахонлар (тийнлар) — Беличыи — *Sciuridae*.

Авлод. Юмронқозиқлар — Суслики — *Spermophilopsis*.

1128. Тур. Ингичка бармоқли юмронқозиқ — Тонкопальий суслик — *Spermophilopsis leptodactylus*.

Тарқалиши. Термиз, Жарқўрғон, Музработ, Шеробод, Қизирик туманларининг қумли ерларида учрайди.

1129. Тур. Сарик юмронқозиқ — Желтый суслик — *Spermophilus fulvus*.

Тарқалиши. Ангор, Музработ, Термиз, Жарқўрғон туманларидаги қумли даштликларда учрайди.

Авлод. Суғурлар — Сурки — *Marmota*.

1130. Тур. Қизил суғур — Красный сурок — *Marmota caudata*.

Тарқалиши. Тупаланг дарёсининг ўрта ва юқори оқимларида ҳамда Бойсун тоғининг (Қизилнавр, Кенгтала, Ўрикли қишлоқларида) тарқалган. Сони кам, ареали тор доирада.

Оила. Жайралар — Дикообразовые — *Hystriidae*.

Авлод. Жайралар — Дикобразные — *Hystrix*.

1131. Тур. Жайра — Индийский дикобраз — *Hystrix indica*.

Тарқалиши. Термиз, Жарқўрғон, Бандихон, Музработ туманларининг адирликларида, паст-текисликларида, дарё ёқаларида тарқалган.

Оила. Нутриялар — Нутриевые — *Myocastoridae*.

Авлод. Нутриялар — Нутрии — *Myocastor*.

1132. Тур. Нутрия — Нутрия — *Myocastor coypus*.

Тарқалиши. Амударё ва Сурхон дарёлари ҳамда бошқа кичик сув ҳавзалари атрофида ин кавлаб яшайди. Қимматли мўйнаси туфайли ов қилиниши натижасида сони камайиб бормоқда.

Оила. Олахуржунлар — Хомяковые — *Cricetidae*.

Авлод. Ондатралар — Ондатры *Ondatra*.

1133. Тур. Ондатра — Ондатра — *Ondatra zibethicus*.

Тарқалиши. Музработ, Ангор, Термиз, Жарқўрғон туманларидаги кўллар, каналлар ва зовурлар атрофида тарқалган. 1944 йилда Ўзбекистонга олиб келиб иқлимлаштирилган.

Оила. Катта қўшоёқлар — Ложнотушканчиковые — *Allactagidae*.

Авлод. Қуруқлик куёнлари — Земляные зайцы *Allactaga*.

1134. Тур. Кичик қўшоёқ — Малый тушканчик — *Allactaga elater*.

Тарқалиши. Ангор, Термиз, Жарқўрғон, Шеробод, Музработ туманларининг қумли дашт ва чала дашт ҳамда қумли тақир жойларида яшайди. Турларининг сони кам миқдорда учрайди.

Оила. Қумсичқонлар — Песчанковые — *Gerbellidae*.

Авлод. Қумсичқонлар — Песчанки — *Meriones*.

1135. Тур. Қизил думли қумсичқон — Краснохвостая песчанка — *Meriones libycus*.

Тарқалиши. Музработ, Термиз Шеробод, Ангор туманларидаги текислик даштларда ҳамда Боботоғ ва Кўхитанг тоғининг д. с. 1300—1500 метр баландликларида учрайди. 1 гектар ерда 1 дан — 30 та гача учрайди.

Оила. Сичқонлар — Мышиные — *Muridae*.

Авлод. Уй сичқонлари — Домовые мыши — *Mus*.

1136. Тур. Уй сичқони — Домовая мышь — *Mus musculus*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туманларида учрайди. Текисликдан тортиб, денгиз сатҳидан 1500 метр баландликдаги тоғли зоналарда учрайди. Ареали кенг.

Авлод. Каламушлар — Крысы — *Rattus*.

1137. Тур. Кулранг каламуш — Серая крыса, пасюк — *Rattus norvegicus*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча туман, шаҳар ва қишлоқларида учрайди. Тарқалиш ареали кенг доирада.

1138. Тур. Туркистон каламуши — Туркистанская крыса — *Rattus turkestanicus*.

Тарқалиши. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кенг тарқалган. Тоғнинг 2600 метр баландлигигача мавжуд. Омборхона ва тегирмонларда учрайди. Ареали кенг.

Авлод. Пластика тишли каламушлар — Пластичатозубые крысы — *Nesokia*.

1139. Тур. Пластика тишли каламуш — Пластичатозубая крыса, незокья — *Nesokia indica*.

Тарқалиши. Термиздан — Деновгача бўлган тўқайзорларда учрайди. Колония ҳолда яшайди. Битта колонияда индивидлар сони 500-900 см² жойни эгаллайди.

Оила. Итсимонлар — Псовые — *Canidae*.

Авлод. Бўрилар ва итлар — Волки и собаки — *Canis*.

1140. Тур. Чиябўри — Шакал — *Canis aureus*.

Тарқалиши. Амударё ва Сурхон дарёлари атрофидаги тўқайзорлар ҳамда чакалакзорларда, воҳаларда яшайди. Тоғларнинг 1100 метр баландлигигача тарқалган.

1141. Тур. Бўри, қашқир — Волк — *Canis lupus*.

Тарқалиши. Боботоғ, Кўхитанг тоғ, Бойсун тоғи ҳамда Амударё ва Сурхон дарёлари атрофидаги тўқайзорларда учрайди.

Авлод. Тулкилар — Лисицы — *Vulpes*.

1142. Тур. Тулки — Обыкновенная лисица — *Vulpes vulpes*.

Тарқалиши. Вилоятнинг кумли ва тупроқли даштларида, тоғ ва тоғ олди худудларида, баъзида қишлоқлар, ҳаттоки шаҳарларга яқин жойларда яшайди. Деярли барча туманларда тарқоқ ҳолда учрайди.

Кенг ареалга эга бўлиб, ўзига хос йиртқич ҳайвон ҳисобланади. Айниқса, Амударё ва Сурхон дарёси атрофидаги тўқайзорларда ҳамда Термиз шаҳри атрофидаги Каттақум массивида кўп учрайди.

1143. Тур. Қорсақ — Корсақ — *Vulpes carsak*.

Тарқалиши. Вилоятнинг қумли дашт зоналари бўлган Термиз, Шеробод, Ангор, Жарқўрғон, Музработ, Бандихон туманларида учрайди.

Оила. Айиқлар — Медвежьи — *Ursidae*.

Авлод. Айиқлар — Медведи — *Ursus*.

1144. Тур. Қўнғир айиқ — Бурый медведь — *Ursus arctos* (61-расм).

Тарқалиши. Бойсун ва Кўҳитанг тоғлари системасида тарқалган. Мачай, Жўҳин, Қизилнавр, Кенгтала қишлоқлари атрофидаги тоғларда учрайди. Тоғларнинг денгиз сатҳидан 1500—3500 метр баландликдаги ўрта ва юқори қисмларида тарқалган. Овлаш таъқиқланган. Қўриқхоналарда махсус муҳофазага олинган. Камёб, мозик тарқалган кенжа тур. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур ҳисобланади.

Оила. Сусарлар — Куњи — *Mustelidae*.

Авлод. Сусарлар — Куници — *Martes*.

1145. Тур. Тоғ сусари — Каменная куница — *Martes foina*.

Тарқалиши. Кўҳитанг тоғ ва Бойсун тоғ тизмаларида тарқалган. Қалин қор ёққанда тоғнинг пастки қисмларига тушади.

Авлод. Олақўзанлар — Перевязки — *Vormela*.

1146. Тур. Олақўзан — Перевязка — *Vormela peregusna*.

Тарқалиши. Вилоятнинг Шеробод ва Бойсун туманларидаги Мачай, Кенгтала, Қизилнавр қишлоқлари атрофидаги тоғларда, шунингдек дашт, ярим дашт зоналарида учрайди. Ноёб, кам сондаги тур ҳисобланади.

Авлод. Бўрсиқлар — Барсуки — *Meles*.

1147. Тур. Бўрсиқ — Барсук — *Meles meles*.

Тарқалиши. Амударё қирғоғидаги тўқайзорларда ва Кўҳитанг, Боботоғ ва Бойсун тоғларидаги ўрмонларда учрайди. Дашт, ярим дашт ва сувга яқин қумли даштларда яшайди.

Авлод. Қундузлар — Выдры — *Lutra*.

1148. Тур. Ўрта Осиё қундузи — Выдра среднеазиатская — *Lutra lutra* (62- расм).

Тарқалиши. Вилоятдаги Сангардак, Тупаланг дарёларининг атрофида ва Шеробод дарёнинг Дарбанд қишлоғи яқинидаги қирғоқларида унча катта бўлмаган популяцияси мавжуд. Локал популяцияларда ўртача зичлиги дарё ўзанининг 1 км.га 0,75—2 донаси тўғри келади. Вилоят дарёларидаги сув режимининг ўзгариши ва ифлосланиши, тоғ воҳаларининг ўзгартирилиши сабабли яшаш жойларининг бузилиши ҳамда браконьерлик туфайли сони камайиб бормоқда. Йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган кенжа тур. Шунинг учун овлаш таъқиқланган. СИТЕСнинг I-иловасига ва Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган.

Оила. Сиртлонлар — Гиеновые — Hyenidae.

Авлод. Йўл-йўл сиртлонлар — Полосатые гиены — Нуаена.

1149. Тур. Йўл-йўл сиртлон (дўлта) — Полосатая гиена — Нуаена hyaena (63-расм).

Тарқалиши. Боботог тоғи этакларида, Кўҳитанг тоғи олдидаги Вандоб, Қизил Олма, Кампиртепа қишлоқларида учрайди. Сони камайиб кетган, 1980—90 йилларда 10 тагача индивидлари ҳисобга олинган. 1960 йилларда онгли равишда қириб юбориш, кейинчалик кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, озуқа манбаларининг камайиши, тўқайзорларнинг йўқ қилиниши натижасида сони бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Локал тарқалган кенжа тур, овлаш таъқиқланган. Сурхон қўриқхонасида муҳофазага олинган. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

Оила. Мушуклар — Кошачъи — Felidae.

Авлод. Мушуклар — Кошки — Felis.

1150. Тур. Туркистон силовсини — Туркестанская рысь — Lynx lynx (64-расм).

Тарқалиши. Бойсун тоғида кенг тарқалган. Шеробод дарёсининг юқори қисмида 25—30 та, Кўҳитанг тоғининг шимолий қисмида 10—12 та учраши қайд этилган. Боботогда кам учрайди. Ҳозирги вақтда тур популяцияси сони камайиб кетган, ноёб, кенжа тур ҳисобланади. Ўзбекистонда ов қилиш таъқиқланган. Силовсин «Ҳалқаро» конвенциянинг йўқолиш арафасида турган тури ҳисобланади. Тоғ қўриқхонасида ҳимоя қилинади. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур ҳисобланади.

1151. Тур. Малин (манул) — Манул — Felis manul.

Тарқалиши. Шеробод ва Сариосиё туманларининг тоғ ва тоғ олди зоналарида учрайди. Ноёб, кам ўрганилган тур. Сони камайиб

бораётганлиги туфайли, назоратни кучайтириш зарур. Ов қилишни таъқиқлаш лозим.

1152. Тур. Тўқай мушуги — Камышовый кот, Хаус — *Felis chaus*.

Тарқалиши. Амударё ва Сурхон дарёси атрофидаги тўқайзорларда тарқалган.

1153. Тур. Қоплон — Переднеазиатский леопард — *Panthera pardus* (65-расм).

Тарқалиши. Боботоғ ва Кўҳитанг тоғларида денгиз сатҳидан 600—900 метр баландликда учрайди. 1960-йилларда Боботоғда бир неча бош мавжудлиги қайд этилган, 1990 йилларда Кўҳитанг тоғида бир неча боши учраган. Ҳозирда 70 га яқин индивидлари сақланиб қолган деб тахмин қилинади. Бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган локал тарқалган кенжа тур. ТМХИ Қизил рўйхатига киритилган. Овлаш таъқиқланган. Сурхон қўриқхонасида муҳофаза остига олинган. СИТЕС нинг I-иловасига киритилган. Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган.

1154. Тур. Турон йўлбарси — Туранский тигр — *Panthera virgata* (66 — расм).

Тарқалиши. 1950-йилларда Амударё чеккаларидаги тўқайзорларда яшаган. Ҳозирда йўқ бўлиб кетган кенжа тур. Тўқайзорларнинг йўқ қилиниши, озуқа манбаларининг камайиб кетиши, овланиши натижасида йўқ бўлиб кетган. Лекин дунё фаунасида 50—60 боши сақланиб қолган. 1957 йилдан овлаш таъқиқланган. СИТЕС нинг I-иловаси ҳамда Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган.

Оила. Чўчқалар — Свиныи — *Suidae*.

Авлод. Тўнғизлар — Кабаны — *Sus*.

1155. Тур. Ёввойи чўчқа — Кабан — *Sus scrofa*.

Тарқалиши. Амударё ва Сурхон дарёлари бўйларидаги тўқайзорлар ва Кўҳитанг, Бойсун тоғларида, шунингдек, Сангардак дарёсининг юқори оқимидаги тўқайзорларда учрайди.

Оила. Буғулар — Оленьи — *Cervidae*.

Авлод. Ҳақиқий буғулар — Настоящие олени — *Cervidae*.

1156. Тур. Бухоро буғуси (хонгул) — Бухарский олень — *Cervus elaphus bactrianus* (67-расм).

Тарқалиши. Қалин тўқайзорлар, баъзан уларга ёндош қумли чўлларда ва Амударё тўқайзорларида кенг тарқалган. Сурхон

қўриқхонасида ҳам (Пайғамбар ороли бўлимида) учрайди. Ҳозирда қўриқхоналарда 300 бошдан ортиқ.

Пайғамбар эролида 50 бош буғи мавжуд. Йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган кенжа тур. ТМХИ қизил рўйхатига киритилган. Овлаш таъқиқланган. Чўл-тўқай қўриқхоналарида муҳофаза остига олинган. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур ҳисобланади.

Оила. Кувушшоҳлилар — Полорогие — Bovidae.

Авлод. Тоғ эчкилари — Горные козлы — Capra.

1157. Тур. Бурама шохли эчки (морхўр) — Винторогий козёл — *Capra falconeri* (68-расм).

Тарқалиши. Кўхитанг, Бойсун ва Боботоғ тоғларининг тошқияли, сийрак арчазорли ёнбағирларида денгиз сатҳидан 1500—2500 метр баландликда учрайди. Ёзда эса баланд тоғ (альп) ўтлоқларигача, яъни денгиз сатҳидан 3000 метр баландликкача кўтарилади. Бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган локал тарқалган кенжа тур. ТМХИ «Қизил китоб» ига ҳамда Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Овлаш таъқиқланган. Эндемик тур. Муҳофазага муҳтож.

Авлод. Кийиклар — Газели — *Gazella*.

1158. Тур. Жайрон — Джейран — *Gazella subgutturosa* (69-расм).

Тарқалиши. Боботоғ ва Кўхитанг тоғларининг тоғ олди зоналарида ва чўлларнинг тупроқли, баъзан қумли қир-адирларида тарқалган. Заиф, қисқариб бораётган, мозаик тарқалган кенжа тур. Турлар сони ерларнинг ўзлаштирилиши ва браконьерлик туфайли камайиб кетган. Овлаш таъқиқланган. ТМХИ ва Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур саналади.

Авлод. Тоғ қўйлари — Горные бараны — *Ovis*.

1159. Тур. Бухоро қўйи — Бухарский горный баран — *Ovis bochariensis* (70-расм).

Тарқалиши. Кўхитанг, Бойсунтоғ ва Боботоғнинг тоғ даштлари, сийрак арчазорли зоналарида, денгиз сатҳидан 800—2500 метр баландликда учрайди. Ҳозирги кунда Кўхитанг тоғида 70 бошга, Бойсун тоғида 200 бошга яқин, Боботоғда эса 40 бошга яқин қўйлар қолган. Бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган, локал тарқалган кенжа тур. ТМХИ Қизил рўйхатига киритилган. Сурхон қўриқхонасида муҳофаза остига олинган. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Муҳофазага муҳтож тур.

ВИЛОЯТ ТАБИАТИ ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Табиат жуда мураккаб ва турли-туман бўлиб, ўзига хос иқлим шароитларига, рельеф, ландшафт, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга. Бундан ташқари, тоғларимизда хилма-хил кўринишдаги геологик қатламлар, қоялар, ғорлар, шаршаралар, тошлар, зилол сувли булоқлар, дарёлар, кўллар мавжуд. Табиат кўринишларига монанд ҳолда арчазорлар, пистазорлар, олмазорлар, саксовулзорлар, ёввойи бодомзорлар ястаниб ётибди.

Инсон табиатдаги мураккаб табиий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини, ҳодисаларни англамасдан, тушуниб етмасдан, табиат қонунларини била олмайди. Бу қонуниятларни мукамал билганимиздагина борлиққа онгли муносабатда бўлиб, табиий бойликлардан тўғри фойдаланиш ва уларни келажак авлодларимиз учун бекамукўст сақлашнинг уйдасидан чиқишимиз мумкин.

Бизни ўраб олган борлиқ инсон руҳий тараққиёти ва ақл-идрокининг асосий манбаидир. Ҳар бир инсон табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг гўзаллиги, ранг-баранглиги ва улар ўртасидаги ўзаро табиий мулоқотларни кўриб, маънавий завқ олади, руҳан покланади ва қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат уйғонади. Шундай экан, табиий бойликларни асраш, муҳофаза қилиш, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш, қандай бўлмасин, уларни кўпайтириш ҳақида ўйламаслик биз инсонларнинг хатомиздир.

Ҳозирги кунда, сайёрамизда салбий характердаги глобал ўзгаришлар юз бераётган бир вақтда, атроф-муҳитни, ўсимликлар, ҳайвонот ва микроорганизмлар дунёсини муҳофаза қилиш ва уларнинг барчасини қандай бўлса шундайлигича келажак авлодга етказиш дунёвий муаммолардан бири бўлиб қолди. Бунинг сабаби шуки, асрлар давомида инсоният табиатга нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлиб келди. Бунинг натижасида дунё миқёсида экологик ҳолат ёмонлашиб борди. Масалан, сайёрамизда карбонат ангидрид гази миқдорининг йилига 0,005% ортиши ва ҳароратнинг ҳам + 0,5°C га кўтарилиши оқибатида дунёдаги каттаю кичик музликларнинг интенсив эриши кузатилмоқда. Бу денгиз ва океанлар сув сатҳининг

кўтарилишига сабаб бўлаяпти. Бунинг натижасида дунёнинг турли мамлакатларида сув тўфонлари ҳолатлари рўй бермоқда. Буни жаҳон оммавий ахборот воситалари томонидан берилаётган маълумотлардан ҳам билиб ола бўлади. Бундай салбий ҳолатлар ўз навбатида ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмларнинг турлар сонини камайишига, ҳатто йўқолиб кетишига олиб келмоқда. Улар турларининг йўқолиб кетиши тириклик генофондини тиклаб бўлмас ҳолатга олиб келади.

Сурхондарё вилояти ҳудудида 1780 га яқин тур ёввойи ва маданий ўсимликлар бўлиб, шундан 305 тури жаҳон қизил рўйхатига ва Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Рўйхатга кирган бу ўсимлик турларининг кўпи эндемик турлар ҳисобланиб, уларнинг сони ва сифати йилдан-йилга камайиб, батамом йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолмоқда.

Табиатга кўрсатилаётган салбий таъсир турлари орасида энг хавфлиси ва зарар етказаётгани бу инсонларнинг таъсиридир. Инсониятнинг табиатдаги табиий жараёнларга билиб-билмай аралashiши унга салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, шаҳарларнинг бунёд этилиши, урбанизациянинг юксалиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, турли хил завод ва фабрикаларнинг қурилиши, ўрмонларнинг кесилиши, химиявий минерал ўғитларнинг ва заҳарли химикатларнинг ҳаддан ташқари, меъеридан кўп ишлатилиши, ер усти ва ер ости бойликларидан пала-партиш тарзда фойдаланиш, ерларнинг шўрланиши ва ҳақозолар табиатдаги барча умуртқасиз, умуртқали ҳайвонларнинг ва ўсимликларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Масалан, биргина Тожикистон алюминий заводининг воҳамиз шимолий туманлари табиатига кўрсатаётган зарарли таъсирини олиб кўрайлик.

Завод мўриларидан ҳар йили 40 минг тонна заҳарли газ тутунлар ҳавога тарқалади. Шунинг 109 тоннаси водород фторидидир. Қолган 20891 тоннасини олтингургурт ангидриди, азот-оксиди, углерод оксиди ташкил этади. Завод тоғ этагида жойлашганлиги сабабли ҳаво оқими Узун, Сарисийё, Денов, Олтинсой ҳамда Шўрчи туманлари томон ёйилади. Бу заҳарли газларнинг асосий миқдори табиийки, шу ҳудудларга тўғри келади. Унинг тарқалиш радиуси эса тоғдан эсадиган шамолнинг тезлигига боғлиқ. Агар шамолнинг тезлиги ортадиган бўлса, унда бу заҳар ҳатто Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманларигача етиб боради ва унинг таъсиридан барча тирик мавжудот зарар кўради. Бу заҳарли моддалар ўсимликларга, ҳайвонот дунёси ҳамда инсон организмга жуда катта салбий таъсир кўрсатиб, ўндан ортиқ турли касалликларни келтириб чиқаради.

Юқорида тилга олинган химиявий заҳарли газлар барча ёввойи ва маданий ўсимликлар ривожини, шаклланишини, тараққиёти ва ҳосилдорлигига катта зарар етказмоқда. Бир вақтлар довруқли бўлган Дашнобод анорлари ҳам ўз шухратини йўқотди.

Ёввойи ва маданий ўсимликлар фенологик кузатилганда заҳарланган зоналардаги ўсимликларнинг мева ва барглари тўқиб юбориши, умуртқасиз ҳамда умуртқали ҳайвонларнинг насл бермай қўйиши улар учун хавфли ҳолатларнинг юзага келишидан дарак беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, заводнинг заҳарли газлари Сурхондарё вилоятининг шимолий туманларидаги қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосил сифатининг пасайишига, ерларнинг яроқсиз ҳолга келишига, озуқалигининг пасайиб кетишига олиб келди. Бунинг натижасида шимолий туманлар аҳолисининг яшаш тарзи ёмонлашди, миллий даромади эса камайиб кетди.

Қадимдан севиб истеъмол қилинадиган, меваси шифобахш дарахтлардан бири — тут. Тут вилоятда деярли ҳар икки хонадоннинг бирида ўстирилади. Манзили Балх бўлган оқ тут ва шотулар қадимдан кўплаб экилиб келинган. Бунинг илдизидан тортиб, баргию навдаси ҳам шифобахш хусусиятга эга эканлигини буюк ҳамюртимиз Абу Али ибн Сино ёзиб қолдирган. Ана шундай ноёб ва шифобахш мевали дарахтни ҳам алюминий заводи ўз домига тортиб юборяпти.

Воҳамизнинг ҳайвочот дунёсига келадиган бўлсак, она сурхонимизда 1159 тур ҳайвонлар яшаши аниқланди. Шулардан 826 тури умуртқасиз ҳайвонлар бўлса, 333 тури умуртқали ҳайвонларни ташкил этади. Жаҳон қизил рўйхатига ва Республикамиз «Қизил китоб» ига 70 тур умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонлар киритилган. Буларга: кириченко ниначиси, глоуконома, томирис, тўқай ферузақаноти, тўранғи пиллакаши, тўранғи арвоҳкапалаги, ҳисор арвоҳкапалаги, шумтол арвоҳкапалаги, тўқай кокилдори, шоҳона хлорион, коль лафирагогуси, амударё кичик куракбуруни, амударё катта куракбуруни, чўртан сифат оққайроқ, туркистон мўйлабдори, паррак (наштарқанот), орол тиканаги, туркистон лаққачаси, амударё гулбалиғи, силлиқ гекконча, қорахолдор калтакесак, ҳинд бойгаси, кўндаланг йўлли бўритиш илон, афғон литоринхи, капча илон (кобра), пушти сақоқуш, жингалак сақоқуш, қорабузов (кичик қоравой), туркистон оқ лайлаги, қора лайлак, қошиқбурун, қоравой, қизилғоз, қийқирдоқ оққуш, оқ пешонали кичик ғоз, мармар чуррак, олақанот, сувқийғир, узун думли сувбургут, оқ думли сувбургут, болтаютар, оқ бошли кумой, тасқара, илонбургут, чўл бўктаргиси, чўл бургути, катта олачипор бургут, қирон қора, бургут, итолғи,

кичик бургут, куйка (чўл миққийси), лочин, маллабош лочин, тўхта тувалоқ, бизгалдоқ, оқбовур, оқ қоринли ўқ қулоқ, кенг қулоқли қат-қатлаб, қўнғир айиқ, ўрта осие қундузи, сиртлон (дўлта), туркистон силовсини, қоплон, турон йўлбарси, хонгули (бухоро бугиси), жайрон, морхўр, бухоро қўйи каби ноёб ва батамом йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турлар киритилган. Бу ҳайвонларнинг турлар популяцияси, айниқса, инсонларнинг табиатга нисбатан ёвузлиги туфайли йилдан-йилга камайиб, батамом йўқ бўлиб кетиш даражасига бориб қолди.

Алюминий заводидан тарқалаётган чиқинди газлар вилоят ҳайвонот дунёсига ҳам катта зарар етказмоқда. Биргина Сариосие туманида 1992—2005 йилларда қорамоллар туёқ сони камайиб, хусусан, 1992 йилда 8708 бош бўлса, 2005 йилга келиб 3912 бошга тушиб қолди. Бу ҳол шу тарзда давом этаверса, келажакда туман чорвачилиги мутлақо инкирозга юз тутади.

Шимолий зонадаги чорва моллари қўй, эчки, от ва сигирларнинг тишлари тўкилиб кетган, сигир сутининг таъми бузилган, гўшларининг сифати паст, водород фториди таъсирида суяклари мўртлашиб қолган, моллар ўз тана оғирлигини кўтариб туролмайдилар. Кўпчилик чорва молларининг тишлари тўкилиб кетганлиги сабабли, улар озиклана олмай нобуд бўлмоқда.

Ёввойи ва хонаки ҳайвонларнинг кўпчилиги ногирон, жисмонан заиф бола туғмоқда ёки бола ташламоқда. Ҳайвонларнинг кўпчилиги пуштсизлик балосига чалинган. Мана шунинг ўзи ёввойи ва хонаки ҳайвонларнинг ривожига катта зарба берапти. Уларнинг овқат ҳазм қилиш органлари, буйрак, ўпка ва жигари касалланиб, ҳолдан тойиб, нобуд бўлмоқда. Хулоса қилиб айтганда, алюминий заводининг заҳарли газ бирикмалари турли систематик таксонларга мансуб умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонлар организмда хилма-хил, яъни ўнга яқин касалликларни келтириб чиқариши исботланди. Барча тупроқ ҳайвонлари, судралиб юрувчилар, қушлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар ҳамда сут эмизувчилар популяциясининг ҳаддан ташқари камайиб кетаётганлиги тадқиқотлар натижасида аниқланди. Мана шу салбий оқибатларнинг барчаси инсон фаолиятининг натижасидир.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши туфайли барча ўсимликлар, микроорганизмлар, ҳайвонот олами ва инсонлар жабрланишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги омилларга эътиборни кучайтириш зарур.

Вилоят ҳавосини тоза сақлашда саноат ва ишлаб чиқариш объектларини географик шароитга қараб жойлаштириш муҳим

хавфи остида турган 163 тур ўсимлик рўйхатга олинган бўлса, 2006 йилдаги нашрида эса 300 тур ўсимлик рўйхатга олинган, яъни 137 турга кўпайган. Бу юқоридаги фикримизнинг исботидир.

Вилоят ҳайвонот дунёси ва уни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам тегишли ташкилотлар маълум ишларни амалга ошираяптилар, аммо талаб даражасида деб бўлмайди. Давлат қабул қилган қонунлар ва норматив ҳужжатлар талаб даражасида бажарилмаяпти. Ҳанузгача вилоятдаги сони жуда кам қолган ноёб эндемик ҳайвон турлари браконьерлар ва маҳаллий аҳоли томонидан қонунга хилоф равишда овланмоқда. Қўлга тушган браконьерлар таниш-билишчилик қилиб, арзимаган жарима тўлаб қутилиб кетмоқда. Браконьер-ку қутилди, аммо бу ноёб тур ҳайвонни энди қаердан топасиз? Она ватанимиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш муаммолари билан республика ва вилоятдаги кўпгина ташкилотлар шуғулланади. Масалан, табиатни муҳофаза қилиш, экология ташкилотлари, қўриқхоналар, ҳайвонот боғлари, ўрмончилик хўжаликлари, тажриба станциялари, ботаника боғлари шулар жумласидандир. Бу ташкилотлар мутасаддилари назоратни кучайтирсалар, жойларда ишларни яхши ташкил этсалар, таниш-билишчиликка йўл қўймасалар, ташвиқот-тарғибот ишларини йўлга қўйсалар ва қонун устиворлигини амалда жорий этсалар вилоятимиз табиати, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий бойликлари, гўзаллиги ва нафосати келажак авлодларимизга етказилишига ишончимиз комил.

Сурхондарё воҳаси табиатини, ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун Кўхитанг қўриқхонасидан ташқари, яна Қизилнавр, Кенгтала қишлоқлари ҳудудида янги қўриқхона ва Сангардак зонасида заказниклар ташкил этиш зарур. Табиатдаги доривор ўсимликлар турларини, заҳираларини сақлаб қолиш мақсадида, вилоятнинг тоғли туманларида тоғ олди зоналарида доривор ўсимликлар етиштирадиган фермер хўжалиklarини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳими, фарзандларимиз қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириш, инсон табиатнинг фарзанди эканлигини сингдириш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Мазкур тадқиқотда Сурхон-Шеробод воҳасининг табиати, иқлим шароити, рельефи, ранг-баранг ландшафтлари, дарёлари, ёғин миқдори, ҳарорати, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси ҳақида қисқача ва аниқ маълумотлар берилган. Шаклланган мазкур табиий компонентлар эволюция натижаси бўлиб, бу жараёнда воҳамиз ҳайвонот дунёси параллел ҳолда пайдо бўлди ва ривожланди.

Ҳозирги кунга қадар вилоят ҳудудида қанча тур ҳайвонлар борлигини бирон киши тасаввур ҳам қилолмайди.

Китобда вилоятнинг барча ҳудудларидан топилган умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонларнинг 1159 турдан иборат эколого-фаунистик комплекси ҳақида батафсил ва оригинал фикрлар билдирилган.

Бугунги кунда вилоятда умуртқасиз ҳайвонларнинг 826 тури, умуртқалиларнинг 333 тури яшайди. Шулардан 70 тури жаҳон халқаро қизил рўйхатига ва Ўзбекистон «Қизил китоб» ига киритилган. Булар йилдан-йилга камайиб кетаётган турлар бўлиб, уларга катта эътибор қаратилмоғи, қандай бўлмасин, популяция муҳофазасини кучайтиришга эришмоғимиз зарур. Бунинг учун қўриқхоналар, заказниклар ва алоҳида муҳофаза этиладиган майдонлар сонини кўпайтириш, назоратни янада кучайтириш ва браконьерликни қонун йўли билан таъқиқлашни қатъий йўлга қўйишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бу ишлар амалга оширилмас экан, биз жонажон воҳамиз ноёб ҳайвонларининг популяциясини сақлаб қола олмаймиз. Инсон-табиатнинг бир бўлаги. Биз табиатга меҳр-муҳаббат кўрсатмасак, у инсониятдан шафқатсиз ўч олади. Келажак авлодларимиз эса бизни асло кечирмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон. 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон. 1992.
3. Абдуназаров Б.Б., Вашетко Э.В., Лановенко Е.Н. и др. Редкие и исчезающие виды животных Узбекистана. Млекопитающие, птицы, пресмыкающиеся, рыбы. Информационный бюллетень. Ташкент. Chinog ENK. 1996.
4. Абиджанов А., Мадьяров М., Рузиев Х. Паразитические простейшие животных Узбекистана. Ташкент. ФАН. 1972.
5. Аверинцев С.В. Зоология беспозвоночных. Москва. Советская наука. 1952.
6. Азимов Д.А. Гельминта овец юга Узбекистана и динамика главнейших гельминтозов. Кандидатская диссертация. М. 1963.
7. Бекузин А.Г. и др. Насекомые Узбекистана. Ташкент. ФАН. 1993.
8. Биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси ва ҳаракат режаси. Тошкент, 1998. 132 б.
9. Алимджанов Р.А., Бронштейн Ц.Г. Беспозвоночные животные Зеравшанской долины. Ташкент. Изд. Акад. Наук. УзССР. 1956.
10. Аманов А.А. Экология рўб водоемов юга Узбекистана и сопредельных республик. Ташкент. Изд. ФАН. 1985.
11. Богданов О.П. Ўзбекистон ҳайвонлари. Тошкент. Ўқитувчи. 1983.
12. Богданов О.П. Редкие и исчезающие животные Узбекистана. Энциклопедический справочник. Ташкент. Глав. Ред. Энциклопедий. 1992.
13. Воложенинов Н.Н. Экология млекопитающих заповедника Арал-Пайгамбар. Ташкент. ФАН. 1983.
14. Волков А. Н., Герасимов Б.А. Пособие по борьбе с вредителями и болезнями сельскохозяйственных культур. Гос. изд. с/х литературы. Москва. 1955.
15. Гельминты животных юга Узбекистана. Сборник статей. АН. УзССР. ин-т зоол. и паразит. Отв. ред. М.С. Султанов. Ташкент. ФАН. 1978.
16. Горностаев Г.Н. Насекомые СССР. Москва Изд. Мысль. 1970.
17. Давронов Б.О., Иззатуллаев З.И., Давронов О. Ўзбекистон жанубида яшовчи моллюскаларга қарши биологик курашиш чораларига доир. Ўзб. биол. журн. 7-сон. Тошкент. 1999.
18. Догель В.А. Зоология беспозвоночных. Москва. Высшая школа. 1981.
19. Дубовский Г.К., Умматов А.М. Зоологиядан ўқув қўлланма. Тошкент. Ўқитувчи. 1991.

20. Жизнь животных. Т. I. М. Просвещение. 1968.
21. Жизнь животных. Т. II. М. Просвещение. 1989.
22. Захидов Т.З., Мекленбурцев Р.Н. Природа и животный мир Средней Азии. Том I. Изд-во Ўқитувчи. Ташкент. 1969.
23. Козлов М.А., Олигер И.М. Школьный Атлас-определитель беспозвоночных. Москва. Просвещение. 1991.
24. Красная книга Узбекиской ССР. Редкие и находящиеся под угрозой исчезновения виды животных и растений. Позвоночные животные. Ташкент. ФАН. 1983.
25. Крейцберг-Мухина Е.А., Кашкаров Д.Ю. и др. Птицы водоёмов Узбекистана и Центрально-Азиатского региона. Полевой определитель водно-болотных птиц. Ташкент — Алматы. 2005.
26. Лаханов Ж.Л. Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари аниқлағичи. Тошкент. Ўқитувчи. 1988.
27. Мавлонов О.М. Фитонематоды хлопковых агроценозов (вопросы таксономии, экологии, зоогеографии и мер борьбы). Докторская диссертация. Ташкент. 1993.
28. Мамаев Б.М. Школьный атлас-определитель беспозвоночных. Москва. 1991.
29. Моисеев В.А., Давлетшина А.Г. Ўзбекистон ҳашаротлар дунёси. Т. Ўқитувчи. 1997.
30. Муродов С.А. Умумий энтомология курси. Т. 1986.
31. Пазиллов А., Акрамова Ф.Д., Азимов Д.А., Давронов Б. Методы исследования наземных моллюсков промежуточных хозяев гельминтов. Ўзб. биол. журн. № 3. 1998.
32. Пазиллов А., Кучбоев А.Э., Даминова Д. Новые виды наземных моллюсков из Центральной Азии. Ўзб. биол. журн. № 2. 2001.
33. Пазиллов А., Азимов Д.А. Наземные моллюски Узбекистана и сопредельных территорий. Ташкент. ФАН. 2003.
34. Птицы Узбекистана. 3 том. Изд-во ФАН. Тошкент. 1995.
35. Саидова Э., Хуррамов Ш.Х. О нематодах орехоплодных культур южных районов Узбекистана. Узб. биол. журн. Ташкент. ФАН. 2002.
36. Султонов М.А. Гельминты птиц Узбекистана. Ташкент. ФАН. 1963.
37. Таджикиев Х. Т. Фауна нематод хлопчатника Сурхандарьинской области Узбекской ССР. Кандидатская диссертация. Москва. 1977.
38. Тангиров Х.Т. Экологический мониторинг гельминтов массовых видов диких и домашних птиц Узбекистана. Дисс. на соиск — учен. степ. канд. биол. наук. Ташкент. 1992.
39. Тураев Э. Нематоды плодовых культур юга Узбекистана. Кандидатская диссертация. Москва. 1981.
40. Флинт В.Е., Бёме Р.Л., Костин Н.В. и др. Птицы СССР. Изд-во. Мысль. М. 1968.

41. Флинт В.У., Переладова О.Б., Мирутенко М.В. Млекопитающие СССР. Изд-во Мысль. М. 1970.
42. Холиқназаров Б. Нематоды овощных и бахчевых культур юга Узбекистана и меры борьбы с голловыми нематодами. Кандидатская диссертация. Москва. 1990.
43. Хуррамов Ш.Х. Нематоды сахарного тростника и меры борьбы с ними. Ташкент. Узбекистан. 1980.
44. Хуррамов Ш.Х. Нематоды субтропических плодовых культур Средней Азии и меры борьбы с ними. Издательство ФАН. Академии наук Республики Узбекистан. Т. 2003.
45. Хуррамов А. Фауна и экология фитонематод пшеницы, дикорастущих и сорных злаков Сурхандарьинской долины. Дисс. на соиск — учен. степ. канд. биол. наук. Ташкент. 2006..
46. Шерназаров Э.Ш., Вашетко Э.В. ва бошқ. Ўзбекистон умуртқали ҳайвонлари. Тошкент. ФАН. 2006.
47. Эргашев Н.Э. Ядовитые гауки юга Узбекистана до и после освоения. Тез. докл. 8 Всес. зоо-геогр. конф. М. 1984.
48. Эшназаров К. Паразитические нематоды овощных культур и меры борьбы с галловыми нематодами в Сурхандарьинской области. Кандидатская диссертация. Ташкент. 1995.
49. Эшова Х. С. Эколого—таксономическая характеристика фитонематод песчаной пустыни южного Узбекистана. Кандидатская диссертация. Ташкент. 2007.
50. Яхонтов В.В. Вредители сельскохозяйственных растений и продуктов Средней Азии и борьба с ними. Т. Изд-во ЎзССР. 1953.
51. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 8-том. Т. 2004.
52. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». II том. Ҳайвонлар. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри. Тошкент. Chinoг ENK. 2006.
53. Кулмамамов А.Қ. Нематоды трибы Нематодиреа Скрыбин и Шульц, 1937 (систематика, морфология, биология и диагностика основных возбудителей нематодирозов). Кандидатская диссертация. М. 1967.
54. Кулмамамов Э. Н. Особенности биологии нематод рода Protostrongylus Kamensky, 1905, паразитирующих в легких у мелкого рогатого скота в Узбекистане. Кандидатская диссертация. Москва. 1979.
55. Ҳайдарова П. Б. Эколого-фаунистические исследования фитонематод рисовых агроценозов Сурхандарьинской области. Кандидатская диссертация. Ташкент. 2007.
56. Ҳогамова Д.Ш. Ўзбекистоннинг жанубида яшовчи Passeriformes гуркумига мансуб ёввойи кушларнинг кокцидиялари фаунасига доир. Т. Ўзб. биол. журн. 1998.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Кириш	5
Сурхондарё вилоятининг табиий географик характеристикаси	8
Содда ҳайвонлар	11
Кўп ҳужайрали ҳайвонлар	14
Ўсимлик гельминтлари	24
Одам ва ҳайвонлар гельминтлари	80
Ҳалқали чувалчанглар	93
Моллюскалар	94
Қисқичбақасимонлар	100
Ўргимчаксимонлар	102
Кўп оёқлилар	104
Ҳашаротлар	104
Балиқлар	135
Сувда ва қуруқликда яшовчилар	139
Судралиб юривчи ҳайвонлар	140
Қушлар	146
Сут эмизувчи ҳайвонлар	180
Вилоят табиати ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва унинг аҳамияти	188
Хулоса ўрнида	195
Адабиётлар	196

**СУРХОНДАРЁНИНГ
ҲАЙВОНОТ
ДУНЁСИ**

Муҳаррир Шужур Қурбон
Бадий муҳаррир Ҳамидулла Худойбердиев
Техник муҳаррир Татьяна Смирнова
Саҳифаловчи Абдурасул Нарманов

Босишга 16.10.2008 йилда рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 13,0 б.т. Адади 2000.
Буюртма №129. Шартнома №99/3.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси 33-уй.



ISBN 978-9943-06-164-1



9 789943 061941